

Xabar

6

(907)-son

5-fevral

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Бугунги кунда хаётимизни компютер техникаси, ахборот технологиялари, интернет, мобил телефон алоқасисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бу йўналишда 2009 йилда

12та

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Замоनावий технологиялар базасида

“Тошкент — Бухоро”

магистрал алоқа линияси кенгайтирилди. Бу линия каналларнинг ўтказувчанлик қобилиятини

60

баробарга ошириш ва шу тарика видеотелефон, интернет ва бошқа кенг тармоқли хизматлар кўрсатиш имконини берди. Шу билан бирга,

“Андижон — Ўш”, “Кўнғирот — Бейнов”, “Денов — Турсунзода” ва “Термиз — Хайратон”

йўналишлари бўйича халқаро алоқа линиялари ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам ҚАРИМОВнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Базирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси

SET-TOP-BOX.

УСКУНАЛАР ЎЗИМИЗДА ЙИГИЛАДИ

Set-top-box. Бу рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи ускунадир.

Лойиҳа қиймати — 1,64 миллион АҚШ доллари.

Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати — йилга 5000 дона.

Худуди — 0,8 га (ишлаб чиқариш худуди 2 800м²).

Лойиҳа мақсади — республикада замоनावий, импорт ўрнини босувчи, юқори сифатли электрон ва телекоммуникация қурилмаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

— чет элда ишлаб чиқариладиган қурилмаларни сотиб олиш учун сарфланадиган валюта маблағларини тежаш мақсадида маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш (бутловчи қисмларни Ўзбекистонда ишлаб чиқариш);

— аҳолини замоनावий ва сифатли рақамли телевидение билан таъминлаш;

— ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш.

3-бет



Ушбу суратда корхона биносининг лойиҳаси тасвирланган. Қурилиш тугагач корхона шу кўринишга эга бўлади. Заводда Set-top-box ускунаси ишлаб чиқарилади.

Ушбу сонда:

■ Лойиҳалар амалда	2
■ Тадбиркорлар портали ишга тушди	3
■ Встреча с представителями корпорации NEC	6
■ Эванснинг келажак ўйлари	11
■ Алишер Навоий даҳоси	16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet — сифат рамзидир

Internet Service Provider

Jumadan Jumagacha



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2010 йилдаги дастлабки Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директори, Хайъат раиси Х.Мухитдинов бошқарди.

Лойиҳалар амалда

Тошкент шаҳрида 29 январ куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов маъруза қилди. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида 2009 йилда мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлигини қайд этди ҳамда 2010 йилда республикамизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишларига батафсил тўхталиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 10-12 феврал кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлади.

Баҳрайн давлат университетига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" ва "Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарларининг тақдимоти ўтказилди. Тақдимотда Баҳрайн давлат университети профессор-ўқитувчилари, олим ва сиёсатчилар, иқтисодчилар, тарихчилар ҳамда университет талабалари ва журналистлар иштирок этишди.

Урганч ва Қарши шаҳарларида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ҳамда Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг минтақавий семинари ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Намунали милиция таянч пункти" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Таянч якунига кўра, Нарпай туманидаги Тела маҳалласида жойлашган милиция таянч пункти, Бағдод туманининг Зафаробод маҳалласидаги таянч пункти, Қоровулбозор туманининг Ал-Бухорий номидаги маҳалласида фаолият кўрсатаётган таянч пункти ҳамда Хива туманидаги Гулирайхон маҳалласида жойлашган милиция таянч пункти биринчи ўринни эгаллади. Ғолиблар махсус диплом ва "Матиз" автомашиналари билан тақдирланди.

Шу йилнинг 28 январ куни Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқидаги миссияси раҳбари Бахтиёр Фуломов Европа Комиссияси президенти Жозе Мануэл Баррозога ишонч ёрлигини топширди. Европа Комиссияси президенти Европа томонидан Марказий Осиё минтақасида муҳим давлат ҳисобланган Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришга эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Берлин шаҳрида "Глобал иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалиги" мавзусида бўлиб ўтган 75-халқаро "Яшил ҳафталик" қишлоқ хўжалиги ярмаркасида Ўзбекистон вакиллари муваффақиятли иштирок этди. Қарийб икки ҳафта давомида мамлакатимиз компаниялари қишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликка оид озиқ-овқат саноатининг хилма-хил маҳсулотларини мутахассислар ва кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этди.

Хайъатда кун тартибидаги биринчи масала — "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида "Рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи (Set-top-box) ускуналарини йиғишни ташкил этиш" лойиҳасини амалга ошириш борисидда бажарилган ишлар тўғрисида "TELMAX ELEKTRONIKS" ИЧК МЧЖ бош директори С.Фахрутдинов ахборот берди (бу ҳақда газетамизнинг биринчи ва учинчи саҳифаларида ҳикоя қилинади).

Иккинчи масала — "Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2009 йил 20 январдаги "Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1041 ҳамда 2009 йил 26 январдаги "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-1046-қарорларининг бажарилиши ҳақида" "Ўзбектелеком" АҚ бош директори Ш.Содиқов ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимовлар ахборот беришди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги "Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан "Ўзбектелеком" АҚ томонидан 9та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган эди. Жумладан, "Тошкент-Бухоро йўналишида телекоммуникация транспорт тармоғини модернизациялаш", "Андижон-Уш", "Қўнғирот-Бейнов", "Денов-Турсунзода", "Термиз-Хайратон" йўналишларида халқаро алоқа линиясини қуриш" лойиҳалари, "Тошкент-Олмалик-Бегетелек-Кўқон" йўналишида рақамли радиореле линиясини кенгайтириш лойиҳаси, "Тошкент

шаҳар маълумотларни узатиш тармоғини DWDM/SDN/IP/MPLS технологияси асосида кенгайтириш" лойиҳаси, Хитой Халқ Республикасининг имтиёзли кредити асосидаги "Қишлоқ жойларда симсиз алоқа тармоғини кенгайтириш" ва "Қишлоқ телефон станцияларини реконструкция қилиш" лойиҳалари, "Тошкент шаҳар махсус хизматлар боғламасини реконструкция қилиш" лойиҳаси,

**Республикамизнинг 200дан
ортик аҳоли масканларида
20та кўчма алоқа бўлими
ташкил қилинди.**

"DSLAM технологияси асосида кенг полосали тармоқни кенгайтириш" лойиҳаси, "Қишлоқ аҳоли масканлари учун "Коинот ЭлСГМ" рақамли кичик сифимли телефон станцияларни ишлаб чиқиш учун бутловчи қисмларни харид қилиш" лойиҳалари бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзбектелеком" АҚ томонидан ўтган йили телефон алоқаси билан таъминланмаган ижтимоий аҳамиятга эга инфратузилма объектларини телефонлаштириш ишлари олиб борилди. Хусусан, 2897та мактаб, 688та болалар боғчаси, 255та қишлоқ врачлик пункти, 88та коллеж, 9та академик лицей, 2та шифохона телефонлаштирилди. Шунингдек, қишлоқ ҳудудларида интернет хизматларини таъминлаш ҳамда қишлоқ аҳоли масканларини телефонлаштириш мақсадида "Ўзбектелеком Мобайл" филиалининг тармоғи кенгайтирил-

моқда. Ҳозирги кунда республикамизнинг шимолий ҳудудларида 20та база станцияси ўрнатилиб, ишга туширилди. Компания томонидан умумий сифими 21536 портли 78та "Коинот ЭлСГМ" коммутация қурилмалари харид қилиниб жойларга етказилди ва қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, тест синов ишлари олиб борилмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан "Дамас" русумли автомашиналар сотиб олинди, мазкур машиналар электрон тарози, темир шкаф, иш столи, тиббиёт кутучаси, ўт ўчиргич, товуш чиқарувчи мослама, сотувга қўйилган почта

товарлари учун мослаштирилган стендлар билан жиҳозланди ва барча филиалларга етказилди.

Борич қийин бўлган ва чекка қишлоқ аҳолиси-га почта алоқасининг универсал хизматлари ва бошқа қўшимча хизмат-

лар кўрсатиш мақсадида Қораўзак, Қўнғирот, Пахтаобод, Галаасиё, Пахтакор, Косон, Шахрисабз, Кармана, Бешработ, Поп, Каттақўрғон, Оқтош, Сарисийё, Денов, Сирдарё, Қийрай, Ғазалкент, Кўқон, Фарғона ва Янгибозор туманларининг 200дан ортиқ аҳоли масканларида 20та кўчма алоқа бўлими ташкил қилинди. Мазкур кўчма алоқа бўлимлари оддий ва буюртмалари хатлар, бандероллар, почта варақчалари, оддий пул ўтказмалари, халқаро почта жўнатмалари ва курерлик почта жўнатмаларини қабул қилиш, даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиш, хат-хабарларни етказиш, курерлик хизматларини кўрсатиш, коммунал тўловларини қабул қилиш, тўлов карточкалари, почта маркалари, конверт, китоб, газета ва журналлар ҳамда ҳар хил маҳсулотларни сотиш каби хизматларни кўрсатмоқда. 2009 йилда кўчма алоқа бўлими томонидан кўрсатилаётган хизматлар бўйича 29787,7 минг сўм даромад олинди.


Хайъатда қўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.



Ҳазрат Навоий ge'gulapku...

**Бу гулшан учра ўўқгур бақо гулуза сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.**


“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси



2009 йил июн. Корхона учун ажратилган майдон олди ва вагон уй ва лойиҳа паспорти ўрнатилди.



2009 йил октябр. Темир-бетондан пойдевор ишлари бошланди.



2009 йил декабр. Металл конструкциялар ўрнатилди бошланди.

SET-TOP-BOX.

УСКУНАЛАР ЎЗИМИЗДА ЙИГИЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Маълумки, республикада ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш, жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотларни олиб чиқиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва уларга қулай шарт-шароит яратиш ҳамда Навоий вилоятининг иқтисодий-ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрда “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги фармони қабул қилинган эди. Мазкур фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 январдаги 21-қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 25 мартдаги Ф-3147-фармойиши қабул қилиниб, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида “Рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи (Set-top-box) ускуналарини йиғишни ташкил этиш” лойиҳасини амалга ошириш юклатилган.



Заводда ушбу бутловчи қисмлардан Set-top-box ускунаси ишлаб чиқарилади.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги 2009 йил 5 мартда “Technosat Trading LLC” (Дубай) ва “Servetechno PTE.LTD” (Сингапур) компаниялари билан ҳамкорлик келишувини имзолади. Шунингдек, мазкур лойиҳа доирасида “Навоий” ЭИИЗда қўшма корхона ташкил этиш режалаштирилди. Шундай қилиб, Агентликнинг 2009 йил 11 сентябрдаги “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи (Set-top-box) ускуналарини йиғиш корхонаси биносининг қурилиши тўғрисида”ги 291-буйруғига асосан “TELMAX ELEKTRONIKS”



Қурилиш жараёни қизғин давом этмоқда.

ИЧК МЧЖ буюртмачи этиб тайинланди.

Хорижий ҳамкор Сингапурнинг “Servetechno PTE.LTD” компанияси, “Ўзбектелеком” АК ва “TELMAX ELEKTRONIKS” ИЧК МЧЖ улушлари асосида масъулияти чекланган жамият шаклидаги “TELECOM INNOVATIONS” қўшма корхонаси таъсисчилари умумий йиғилишининг 2010 йил 26 январда бўлиб ўтган 1-баённомасига асосан корхона устав ва таъсис шартномаси тасдиқланди ва нотариал расмийлаштирилди. Қўшма корхонанинг устав жамғармаси 1,0 млн. АҚШ доллари этиб белгиланган. Ҳозирда бетон асослар қурилиб, бинонинг биринчи қавати кўтариб бўлинди. Қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Заводни Наврўз байрами арафасида ишга тушириш мўлжалланган.

➔ BANK TIZIMI

➔ WWW

“Алоқабанк”нинг Денов мини-банки танловда иккинчи

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда банклар Ассоциацияси ҳамкорликда 2009 йилда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича тижорат банклари ўртасида танлов ўтказди.

Мазкур танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш борасида тижорат банклари эришаётган ютуқларни кўшимча рағбатлантириш ва улар фаолиятини янада кучайтиришдан иборат. Шунингдек, банкларнинг инвестиция фаолиятини янада кучайтириш ва имкониятларини кенгайтиришда қўл келувчи захира базасини мустақамлаш, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини янада ошириш кабилар кўзда тутилган.

Танлов натижаларига кўра, тижорат банкларининг 2009 йилда аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш борасидаги фаолияти қатор номинациялар бўйича баҳоланди. Жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши мини-банки номинациясида “Алоқабанк”нинг Денов мини-банки иккинчи ўринни эгаллади.

Банк тизимида ахборот технологиялари

Шу йилнинг 7-8 апрел кунлари пойтахтимизда анъанавий «BANKEXPO-2010» миллий кўرғазмаси ўтказилди. Унда мамлакатимиз ва МДХ давлатларининг стакчи банклари, молия ва инвестиция компаниялари иштирок этиди.

Кўрғазмада банк тизимида замонавий технологиялар, жумладан, ахборот технологияларидан фойдаланиш, E-banking, мобил тизимлар каби хизматларни жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, ушбу йўналишларда турли тақдиротлар ҳам ўтказилди.

Ўз мухбиримиз

Тадбиркорлар портали ишга тушди

“Gradient Networks” компанияси 1 феврал куни Тошкентда ўзининг янги ахборот-маълумотлар портали — www.promzona.uz тақдимотини ўтказди.

Портал ишга тушиши билан Ўзбекистонлик исталган тадбиркор ёки ишлаб чиқарувчи ўзи учун маъқул таъминотчини танлаш ёки керакли маҳсулотни биринчи қўлдан олиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, улар ишлаб чиқариш линияларини ишга туширишда муҳим қўлланма ва мутахассисларнинг маслаҳатларидан фойдаланишлари мумкин.

Веб-сайт тоғ-кон, ёғочга ишлов бериш саноати, иситиш, насос қурилмалари, тиббиёт, озиқ-овқат, кавшарлаш, қишлоқ хўжалиги, савдо асбоб-ускуналари, шунингдек, автосервис ва хавфсизлик тизимлари ҳақида ахборот беради.

Ташкилотчиларнинг фикрича, портал Ўзбекистондан ташқари, МДХ ва хориж ишлаб чиқарувчилари ва харидорларига ҳам бизнес фаолиятда яқин кўмакчига айланади.

Xalqaro haqot



ЙЎЛБОШЧИ ЙЎҚ КИЛИНДИ

“Толибон” террорчилик гуруҳининг Покистондаги йўлбошчиси Ҳамидулла Мақсуд йўқ қилинган.

Покистон давлат телевидениеси хабарига айтилишича, Мақсуд Жанубий Вазиристонда учувчисиз самолётдан отилган ракетадан жароҳатланган ва уч кун ўтгач вафот этган. Аммо террорчи гуруҳ йўлбошчилари ҳалок бўлганини расман эълон қилгани йўқ. Ўтган йилнинг ноябрида ҳам унинг ўлдирилгани ҳақида хабар тарқатилганди. Орадан кўп ўтмай бу хабарни Мақсуднинг ўзи радио орқали рад этганди.

Эслатиб ўтамиз: Ҳамидулла Мақсуд ўтган йилнинг ёзида Байтулла Мақсуд ўлдирилганидан сўнг ушбу мамлакатдаги “Толибон” гуруҳига раҳбарликни ўз қўлига олган, Покистон ҳукумати унинг боши учун 600 минг доллар мукофот ваъда қилган эди.

АНЖУМАНДА АФФОН МУАММОСИ

“BBC” телеканали хабарига айтилишича, Лондонда Афғонистонга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтган. Унда дунёнинг 70дан ортиқ мамлакатли вакиллари қатнашган.

Анжуман ишида Афғонистонда террорчиликка қарши кураш, давлат бошқарувини такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий аҳволни тиклаш, халқаро муносабатларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Муҳокамаларда афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслиги яна бир бор таъкидланди. Афғонистон ҳукумати ҳам тинч сиёсат юритиш тарафдори. Аввало, вазиятни барқарорлаштириш учун бу ердаги “Толибон” ҳаракати ва бошқа қарши кучларнинг мамлакат конституциясига амал қилишларига эришиш даркор.

ХИТОЙ ХАВОТИРДА

“Синхуа” хабарига айтилишича, Хитой ҳукумати АҚШ билан ҳарбий ҳамкорликни тўхтатмоқчи. Бунга Вашингтоннинг Тайванга ҳарбий техника сотиш ҳақидаги қарори сабаб бўлган.

Гап шундаки, шу йилнинг 26 январидан имзоланган ҳужжатга биноан АҚШ Тайванга Patriot зенит ракета мажмуаси, UH-60 Black Hawk вертолётлари, жами 6,5 миллиард долларлик қурол етказиб бериши керак.

Хитой мудофаа вазирлиги баёнотида айтилишича, Америка Қўшма Штатлари куралининг Тайванга етказиб берилиши хунук ва қўтилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис Хитой ҳукумати куралининг Тайванга етказиб беришни зиммасига олган компанияларга нисбатан санкция эълон қилмоқчи.

ФОРУМ ЯКУНЛАНДИ

Швейцариянинг Давос шаҳрида 40-Бугунжаҳон иқтисодий форуми ўз ишини якунлади.

“Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлигининг хабарига кўра, дунёнинг 2500 нафар бизнесмен ва сиёсатчилари иштирок этган ушбу форумда 200дан ортиқ мажлислар ўтказилди. Молиявий-иқтисодий инқироздан кейин Дунё иқтисодиётини тиклаш мавзуси кун тартибидеги асосий масала бўлди.

БОЛАЛАРНИ ЎҒИРЛАМОҚЧИ БЎЛИШДИ

Гаитида бир гуруҳ болаларни мамлакатдан ноқонуний олиб чиқиб кетишга уринган ўн нафар АҚШ фуқароси ушланди. Улар болалар билан Доминикан Республикаси чегарасида қўлга тушган.

AFP агентлиги хабарига айтилишича, қўлга олинганларда болаларни олиб чиқиб кетишга рухсат берувчи ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган. Аниқланишича, болалардан кўпининг ота-онаси тирик экан. Гаити ижтимоий муносабатлар вазири Ив Кристалнинг таъкидлашича, бу иш болаларни ўғирлашдан бошқа нарса эмас.

INTERNET

ЯНГИ РУС ДОМЕНИ ИШГА ТУШДИ

“РФ” домен ҳудудидаги биринчи сайт – “Гарант-парк-телеком.рф” 25 январь куни синов тариқасида иш бошлади. Синов муваффақиятли тугаса, янги ҳудудда R01 регистратори орқали рўйхатдан ўтган бошқа сайтлар ҳам ишга туширилиши маълум қилинган.

TELEKOMMUNIKATSIYALAR



ОҒОҲЛИК ВОСИТАСИ

Америка Миллий атмосфера ва океан тадқиқотлари бошқармаси мутахассислари денгиз тўфонлари қуруқликка урилишидан бир неча соат олдин транс-континентал интернет-кабеллар орқали хабар етказиш мумкин, дейишмоқда.

Огоҳлик воситаси сири оптик толали кабел тузилишида яширинган. Одатда, океан сувидан зарядланган зарралар Ер магнит майдони билан ўзаро таъсир натижасида 500 милливольтга тенг қўшимча кучланишни узатиб беради. Бироқ зилзила ва тўфонларда магнит майдони узатаётган кучланиш мезърдан ошиб кетади. Геологлардан бири Манож Наирнинг таъкидлашича, бор-йўғи вольтметр уланса бас, шу тарзда ҳозиргача мавжуд огоҳлик сигналларининг энг оддийсини яратиш мумкин.

НАНОХОТИРА

Intel ва Micron Technology компаниялари 25-нанометрли технология асосида 8 ГБ сифимли NAND-хотира ишлаб чиқишга киришди. Янги технологик жараён махсулот таннархини камайтириш, смартфонлар, медиаплеерлар ва қаттиқ дисклардаги сақлаш сифимини оширишга хизмат қилади.

Синовлар тугагач, 2010 йилнинг иккинчи чорагидан тўлиқ ишлаб чиқаришга ўтилади.

ALOQA OLAMIDA

AXBOROT XAVFSIZLIGI

15 МИЛЛИОНТА

ВИРУС

“Касперский лабораторияси”нинг маълумот беришича, 2009 йилда 15 миллионга янги зарарли дастур пайдо бўлган, бу 2008 йилдаги билан бир хил кўрсаткичдир.

Ўтган йили компютерларни ишдан чиқаришга йўналтирилган мажмуавий зарарли дастурлар, глобал эпидемиялар, Kido “чувалчанги”, веб-ҳужумлар ва веб-ботнетлар, смс-фирибгарликлар ҳамда ижтимоий тармоқларга ҳужумлар энг кўп учраган.

ПАРОЛГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ!

Ахборотни ҳимоялаш соҳасига ихтисослашган Imperva компанияси энг кўп ишлатиладиган паролларни аниқлаш учун тадқиқот ўтказди ва 32 миллионга паролни ўрганиб чиқди.

Дастлабки учта ўринни фақат рақамлар ишлатилган пароллар эгаллади - «123456», «12345» ва «123456789». Тўртинчи ўринда password («парол») сўзи, бешинчи ўринда «iloveyou» ибораси қайд этилган.

Impervaning техник директори Амихай Шульманнинг таъкидлашича, агар паролнинг оддий бўлса маълумотларнинг бир сониядаёқ онлайндаги нияти бузуқ кимсалар қўлига ўтиб кетиши мумкин. Оддийроқ ифодаланганда, хахер у ёки бу интернет-ресурсдаги 1 мингта аккаунтни ўзлаштириши учун атиги 17 дақиқа кифоя.

TEKNOLOGIYALAR

Firefox МОБИЛ ТЕЛЕФОНДА



Mozilla компанияси Firefox 1.0 браузерининг мобил шакли чиқарганини маълум қилди. Янги браузер Linuxга асосланган Maemo 5 мобил амалиётлар тизими учун мўлжалланган.

Маълумот учун айтиш керакки, Nokiaнинг сўнгги N900 смартфони айнан шу тизимни қўллайди.

ЖАМИЯТ

SMS ОРҚАЛИ НОХУШ ХАБАР

Данияда SMS ёрдамида ишдан бўшатиш анъанасига айланмоқда. Ҳолбуки, бундай амалиёт оқилона эмаслиги ҳақида менежерлар огоҳлантирилган бўлса-да, улар SMSни қўллашни қанда қилишмаяпти.

Мамлакатдаги қасаба уюшмалари ҳам бундан норози. Масаланинг чигал томони, ишдан бўшатиш тўғрисидаги хабарни матнли хабар орқали маълум қилиш борасида қонуларда ҳеч нарса дейилмаган. Энди данияликлардан янги SMS-хабарни ўқишдан аввал серграқроқ бўлиш талаб этилади, ким билсин, унда нима дейилган...



SALOMATLIK

ИНТЕРНЕТ КАСАЛЛАРИ

Хитойда интернет-парастрлар сони ўтган йили 24 миллионга етган.

Бу маълумот Хитойнинг Тармоқни ривожлантириш бўйича ёшлар уюшмаси сўровномасида юзага чиқди. Интернетдан фойдаланувчи ёшларнинг ҳар еттинчиси онлайн исканжага тушиб қолган, 2005 йилга солиштирилганда бу икки баравар юқори кўрсаткичдир.

Тадқиқотда 6 ёшдан 29 ёшгача бўлган 7 минг киши қатнашган.

Масъулиятсизликка чек кўяйлик

Ўзбекистон Республикаси конунлари, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармони ва қарорларининг бажарилиши бўйича телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, реконструкция қилиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш чора-тадбирлари асосида қурилиш ишлари қизгин равишда амалга оширилмоқда, лекин қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишда амалдаги конун ва норматив ҳужжатлар, қурилиш меъёрлари ва қондалари талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари аниқланмоқда.

2009 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат алоқа инспекцияси томонидан: «Қорақалпоқ Телеком» филиали бўйича — 30та, «UNITEL» МЧЖ бўйича — 54, «Ўздунробита» ХК бўйича — 103, «BUZTON» ҚК бўйича — 1, «O'ZNEFTEGAZALOQA» ишлаб чиқариш алоқа бошқармаси унитар шўба корхонаси бўйича — 1, Қорақалпоғистон Республикаси радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази бўйича — 6, «Ўзбекистон темир йўллари» Қўнғирот минтақавий темир йўл узели Урганч сигналлаштириш ва алоқа масофаси корхонаси бўйича — 25, Мўйноқ тумани марказий касалхонаси бўйича — 5, «NUKUS NET TELEVISION» МЧЖ бўйича — 1, жами 225та объект фойдаланишга қабул қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси РРТМ, «Қорақалпоқ Телеком» филиали, «Ўзбекистон темир йўллари» Қўнғирот минтақавий темир йўл узели Урганч сигналлаштириш ва алоқа масофаси корхонаси, Мўйноқ марказий касалхонасига қарашли объектларни фойдаланишга қабул қилишда тақдим этилган ҳужжатлар таҳлил қилинганда, ШНҚ 3.01.04-04

«Қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш асосий ҳолатлари» ва МКМ 07.2002 «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар қурилиш (ўрнатиш) объектларини фойдаланишга топшириш тартиби тўғрисида» ги йўриқномага мувофиқ керакли ҳужжатлар тўплами фақат 50-60 фоизни ташкил этиши аниқланди. Шу сабабли, қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш ишлари бир неча ойга кечиктирилмоқда.

«COSCOM» МЧЖ бўйича 2007-2009 йиллар ичида бир неча сотали алоқа таянч ҳамда база станциялари, радиореле линия объектларини фойдаланишга қабул қилиш белгиланган бўлса, 2009 йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси ДАИга ҳужжатлар тўплами умуман тақдим этилмади. Ушбу ҳолат бўйича «COSCOM» МЧЖга марказлашган ҳолда хатлар берилиб борилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ДАИ ва Электромагнит мослашув хизмати ходимлари ҳамкорлигида апрел ойда ўтказилган тадбир натижасида ЭМММдан тегишли рухсатномалар олмасдан «Ўздунробита» ХКнинг Қорақалпоғистон филиали-

да радиореле линиялари ишлатилаётгани аниқланди. Шу боис филиал директори Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 152-моддаси 1-қисмига асосан жаримага тортилди. Юқориди қайд этилган РРЛ объектлари июл ойда Давлат қабул комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилинди.

2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили давлат дастури асосида республикаимиз АКТ соҳасини янада ривожлантириш, қўрсатилаётган хизмат турлари, сифати ва ҳажмини ошириш мақсадида соҳага оид бир қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Президентимизнинг 2009 йилги «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 1041-қарориди кўзда тутилган ишларни амалга ошириш мақсадида халқро аҳамиятга эга «Қўнғирот-Бейнов» йўналишида «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали 6-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси томонидан оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди.

Ушбу объектнинг сифатли даражада бажарилганлиги, халқро талабларга жавоб бериши ва фойдаланишга қабул қилиниши бўйича ишчи гуруҳ томонидан 2009 йилнинг октябр ойда жойига чиқиб ўрганишлар ўтказилди, натижада:

- Акшолок-Жаслик ҳамда Жаслик-Қорақалпоқ участкаларида баъзи пикетларда оптик толали алоқа линияси ҳимояси таъминланмаганлиги;

- Қорақалпоғистон-Бейнов-Қозоғистон участкасининг айрим жойла-

рида кабелларни ётқишида белгиланган чуқурлик меъёрига риоя қилинмаганлиги;

- лойиҳада кўзда тутилмаган қўшимча ишлар бажарилганлиги аниқланди.

6-ШМАТБга ишчи гуруҳ томонидан тегишли хулосалар берилди ва «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали томонидан чора-тадбир режаси ишлаб чиқилиб, камчиликларнинг бажарилиши назоратга олинди.

Қайд этилган камчиликларнинг ҳақиқатан бажарилиши бўйича «Ўзбектелеком» АК томонидан марказлашган ҳолда ташкил этилган ишчи комиссия гуруҳи билан ҳамкорликда 2010 йил январ ойида жойига чиқиб қайта ўрганишлар ўтказилди ва барча камчиликларнинг бартараф этилганлиги тасдиқланиб, лойиҳадан ташқари бажарилган ишлар бўйича ҳам тасдиқловчи ҳужжатлар тўплами тақдим этилди.

Объектни ишчи комиссия томонидан қабул қилиш жараёнида 6-ШМАТБга «Қўнғирот-Бейнов» магистрал оптик толали халқро алоқа линиясининг узлуксиз ва сифатли ишлашини таъминлаш мақсадида огоҳлантириш ишларини ташкил этиш тавсия қилинди.

Юқориди келтирилган камчиликлар мутасадди ходимларнинг зиммасига юкланган вазифаларга масъулият билан ёндашмаганлиги ҳамда уларнинг норматив ҳужжатлар асосида ишлаш борадаги билим савиялари етарли эмаслиги оқибатида келиб чиққанлигидан дарак беради.

М.ЕРЕЖЕПОВА,

Қорақалпоғистон Республикаси ДАИ бошлиғи

FAXRIYLAR — FAXRIMIZ

Фахрий жангчига — Беларус медали

Марғилон шаҳридаги Маъмуржон Узоқов истироҳат боғи оралаб ўтар экансиз, Бурҳониддин Марғинович номидаги маҳаллага кириб борасиз. Маҳалланинг «Лола» кўчаси, 12-хонадониди уруш ва меҳнат фахрийси, республикаимиз алоқа тармоғи устозларидан бири Холматжон ота Алиев яшайди. Бу камтарин ва камсуқум инсон вилоятда, жумладан, Марғилонда почта ва телекоммуникация хизматини йўлга қўйишда, телефонлар тармоғини қўпайтиришда самарали хизмат қилган.

Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли йўлларини босиб ўтган Холматжон ота душман билан бўлган жангларда мислсиз қаҳрамонлик кўрсатди. Айниқса, Беларус тупроғини фашистлардан озод этиш жанглирида кўп қон кечишига тўғри келди. Кўкрагида жанговар орден ва медаллар билан она шаҳри Марғилонга қайтиб келди. Урушдан сўнгги йилларда Холматжон ота алоқа тармоқларида узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилиб, халқ меҳрини қозонди.

Ватан ҳимоячилари куни арафасида отахоннинг хонадонига шаҳар ҳокимлиги, шаҳар мудофаа ишлари бўлими ва Беларус давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси вакиллари ташриф буюрдилар. Улар собиқ жангчини байрам билан табрикладилар, кўксига «Беларус Республикасининг немис фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 65 йиллиги» юбилей медалини тақиб, Беларус давлати ва халқи номидан қонли жангларда кўрсатган жасорати учун миннатдорчилик билдирдилар.

— Мен шундай дорилмомон кунларга саломат етиб келганимдан Аллоҳга беадад шукроналар келтираман, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, халқимизга осойишталик, фарзандларимизга баркамоллик, бахту саодат тилайман, — деб дуога қўл очди Холматжон ота.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Reyting

СПАМ ТАРҚАТИШ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ МАМЛАКАТЛАР:
(Фоиш ҳисобиди)



Ҳазрат Навоий ҳақида...

**Ҳам сўз ила элга ўлумдин наҳом,
Ҳам сўз ила топиб ўдук ман ҳаём.
Ганж бериб бўлмас экан турса кўз,
Улча қилур вақтига бир яхши сўз.**

В Узбекском агентстве связи и информатизации состоялась встреча с представителями корпорации «NEC» во главе с генеральным менеджером Департамента маркетинга штаб-квартиры корпорации «NEC» Кукито Шиней.

Во время своего визита в Узбекистан Кукито Шиней провел ряд

трудничает с японскими компаниями с первого года независимости страны. Совместно с ведущими японскими компаниями реализованы более 10-ти крупных проектов по реконструкции и модернизации теле-

СОТРУДНИЧЕСТВО

который является в своем роде единственным в Центральноазиатском регионе.

В настоящее время при активном участии «NEC» реализуется проект поэтапного перехода на цифровое телевидение до 2015 года. В 2008 году со

стороны «NEC» в г.Ташкент поставлен один телепередатчик, также в этом году планируется поставка еще трех телепередатчиков. Представители японской стороны выразили о готовности участия в дальнейшем развитии цифрового телевидения в Узбекистане.

На встрече стороны также обсудили вопросы развития взаимовыгодного сотрудничества по новейшим направлениям сферы информационно-коммуникационных технологий.

Aci.uz

ВСТРЕЧА С ПРЕДСТАВИТЕЛЯМИ КОРПОРАЦИИ NEC

семинаров на тему «Современные технологии компании «NEC» Corporation» в Ташкентском университете информационных технологий и его Самаркандском филиале, а также в Инженерно-техническом центре АК «Узбектелеком», где участники ознакомились с новейшими достижениями Японии в области информационных технологий и в частности современных технологиями «NEC».

В ходе встречи было отмечено, что Узбекистан тесно со-

коммуникационной сети республики.

Также было особо отмечено о сотрудничестве между УзАСИ и «NEC» в подготовке кадров и повышении квалификации специалистов в области телекоммуникаций и информационных технологий. Ярким примером тому является оказание содействия «NEC» в открытии и укомплектовании современным телекоммуникационным оборудованием Инженерно-технического центра АК «Узбектелеком», ко-

UZ-CERT

ТЕПЕРЬ И В МОБИЛЬНОЙ ВЕРСИИ

Служба UZ-CERT запустила мобильную версию своего официального сайта cert.uz.

Данный сайт позволит сократить количество расходуемого трафика для пользователей мобильных устройств и совершать быструю навигацию. Использовать мобильную версию можно на телефонах с подключаемой услугой GPRS/WAP. Достаточно активировать интернет-соединение на телефоне и набрать в строке браузера адрес pda.cert.uz.

В мобильной версии сайта можно ознакомиться с перечнем предоставляемых услуг, для получения более подробной информации будет произведена переадресация на основной сайт cert.uz. На данный момент на мобильной версии сайта службы UZ-CERT доступны:

- новостная лента
- информация о Службе
- информация о предоставляемых услугах
- контакты

UZ-CERT



В будущем планируется увеличивать количество сервисов на мобильной версии сайта. Свои комментарии и пожелания по совершенствованию мобильной версии сайта можно оставить на объединенной форумной площадке uForum.uz в специальной теме.

«O'ZALOQAKONSALTING» – НАДЕЖНЫЙ ПАРТНЕР НА РЫНКЕ КОНСАЛТИНГОВЫХ УСЛУГ

Деятельность организации «O'zaloqaKonsalting» начала осуществляться с 2003 года.

Изначально организация «O'zaloqaKonsalting» была создана для оказания различных консалтинговых услуг субъектам в сфере связи и информатизации. Сегодня эти субъекты являются главными партнерами «O'zaloqaKonsalting».

К основным направлениям деятельности ООО «O'zaloqaKonsalting» относятся, в первую очередь, экспертиза, оценка проектов различных документов в сфере информационно-коммуникационных технологий, включая технические и инвестиционные проекты. В период своей деятельности «O'zaloqaKonsalting» было проведено более 250 данных видов экспертиз. Среди них проектные документы, связанные с созданием государственных информационных систем и ресурсов государственных органов.

На основании лицензий Государственного агентства «O'zaloqaKonsalting» также выполняются работы по экспертизе проектов строительства. В 2009 году было проведено 241 экспертных оценок. При этом специалисты, проводящие экспертизу, особое внимание уделяют проверке на соответствие требованиям нормативных документов, проектных и строительных норм.

Помимо проектных работ «O'zaloqaKonsalting» оказывает услуги по подготовке тендерной документации и ее экспертизе, организации и проведению тендеров. Были подготовлены тендерные документы по проектам ОАО «Узбекистон почтаси» и Казначейства Министерства финансов Республики Узбекистан. Со стороны «O'zaloqaKonsalting» принимались участия в тендерах Государственного налогового комитета Республики Узбекистан в качестве рабочего органа. По указанным тендерным торгам имеются положительный результат.

Для начинающих компаний и организаций со стороны «O'zaloqaKonsalting» оказываются услуги по разработке учредительных документов и оказание помощи в проведении организационных мероприятий по созданию и регистрации предприятий, а также получению лицензий и других разрешительных документов. Также оказываются содействия организациям по подготовке различных контрактов, соглашений, бизнес-планов.

Для оказания содействия в исследовании рынка и услуг «O'zaloqaKonsalting» проводит маркетинговые исследования. Крупные маркетинговые исследования были проведены для АК «Узбектелеком», СП «Ist Telecom» и компании SUMITOMO (Япония). Основными направлениями маркетинговых исследований являются изучение конъюнктуры рынка в области связи и информатизации, оценка удовлетворенности потребителей в услугах и др.

Другой важной деятельностью «O'zaloqaKonsalting» является оказание консалтинговых услуг в области менеджмента, а именно внедрение и совершенствование Системы менеджмента качества на основе международного стандарта ИСО 9001 версии 2008 года. Данный вид консультаций является немаловажной услугой для организаций и компаний в целях постоянного улучшения качества и повышения эффективности управления предприятием и деятельности.

В вопросах разработки и совершенствования Системы менеджмента качества «O'zaloqaKonsalting» имеет большой практический опыт, специалисты которого прошли специальное обучение и имеют сертификаты международных центров по подготовке и переподготовке кадров, в том числе Международного регистра аудиторов (IRKA), а также участвуют в качестве экспертов в сертификационных аудитах.

В 2009 году «O'zaloqaKonsalting» успешно внедрил Систему менеджмента качества в филиале «ТШПТ» АК «Узбектелеком», который получил сертификат международного образца соответствия стандарта ИСО 9001:2008. До этого сотрудники «O'zaloqaKonsalting» участвовали при внедрении Системы менеджмента качества в СП

«Coscom», ООО «Unitel», Республиканском центре управления сетями телекоммуникаций Узбекистана и др.

Консультации оказываются также в области нормативно-правового обеспечения. По этому направлению «O'zaloqaKonsalting» осуществляет разработку нормативных документов, касающихся деятельности субъектов сферы связи и информатизации. За период своей деятельности были разработаны и приняты более 10 нормативных документов. С другой стороны «O'zaloqaKonsalting» за счет постоянного мониторинга нормативных документов обеспечивает предприятия перечнем и самими нормативными актами, которые необходимы им при осуществлении деятельности. Сборник нормативных документов предоставляется как в бумажной, так и в электронной (локальной и сетевой) версии. За 2009 год услуга по обеспечению нормативными документами были оказаны 29 хозяйствующим субъектам, более 10 субъектам данная услуга оказывается на постоянной основе.

Кроме консалтинговых услуг на основании имеющихся лицензий «O'zaloqaKonsalting» проводит работы по проектированию, монтажу, наладке и техническому обслуживанию средств противопожарной автоматики, охранной и пожарной сигнализации, а также установкой хозяйствующим субъектам и частным лицам видеосредств охранного наблюдения с организацией пункта наблюдения и управления видеосредствами. Устанавливаемые видеосредства предназначены как для наблюдения внутри помещений, так и для наружного наблюдения.

В целях максимального удовлетворения потребностей клиентов «O'zaloqaKonsalting» постоянно повышает качество своих услуг. Главными преимуществами услуг «O'zaloqaKonsalting» являются профессиональный опыт, индивидуальный подход к каждому проекту с учетом специфики деятельности бизнеса клиента и применение разнообразных форм сотрудничества в зависимости от пожеланий клиентов. «O'zaloqaKonsalting» всегда готов сотрудничать с клиентами и оказывать им любое содействие.


А.ВАЛИЕВ,
заместитель директора
ООО «O'zaloqaKonsalting»

Афоризм

Все бедствия от слетни злоязыкой
Страшнее, чем удары острой пикой.

Алишер НАВОИ

Хабар +tv



Профилактика
14.55 Курсуватлар дастури.
15.00 «Тайфлинсма».
15.50 «Ортим буйлаб» дастури:
«Дерми табияти».
16.00 «Эл тинчлиги йўлида».
16.40 «Йки дарё оралигида».
17.00 «Абсорб».
17.15 «Хаёт ва кунун».
«Болалар сайраси»:
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Ихзор».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Олтин мерос».
18.15 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
18.50 «Буюк аждодларимиз».
19.15 «Ифтихор».
19.20 ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Абсорб» /рус/.
20.10 Миллий сериал: «Хаёт жилгалари».
20.45 «Ватанимни қуйлайман».
21.00 «Абсорб».
21.40 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Мен ёшкиман».
21.55 «Ихзор».
22.00 «Нафс балоси» /Т/с.
22.45 «Йилми».
22.55 «Ун дакича: виолончель».
Б/ф.
23.40 - 23.50 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
23.50 Курсуватлар дастури.
23.55 «Шарк гавҳари».
00.35 «Ортим буйлаб» дастури:
«Дерми табияти».
00.45 «Мен ёшкиман».
0.00 «Абсорб» /рус/.
1.30 «Салом, ёшлар!».
2.05 «Буюк аждодларимиз».
2.30 - 3.10 «Манавият» дастури.
3.10 «Ватанпарвар».
3.50 «Нафосат олами».
4.00 «Абсорб».
4.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
5.20 «Йки дарё оралигида».
5.40 - 5.55 Тонги наволар.



6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар!».
7.30 «Даврини Боласи».
7.40 «Мультианорам».
8.00 Миллий сериал: «Калдирғочлар яна кайтди».
8.55 Фаргона вилоят телерадиокомпанияси тақдими этакди.
«Тол».
8.45 «Хаёт симфонияси».
8.55 «Ўзбек адабиёти».
9.00 «Севги стратегияси» /Т/с.
9.50 «Келажак ағалари».
10.00 «Камолот» хабарлари.
10.10 2010 - Баркамол авлод йили: «Бугундан эсдалик».
10.30 «Афсона ва ҳоқиқат».
11.10 «Илком каноллари».
12.00 «Севги стратегияси» /Т/с.
12.50 «Улук неъмат».
12.55 «Телеуфод».
13.00 «ДАБР» /Хафта якуни».
13.30 «Даврини боласи».
13.40 «Сирли ўрмон».
14.00 «Салом, ёшлар!».
14.30 «Алишба Навоий» /Т/ф.
15.20 «Yoshlar-FM».
15.50 «Оила - меҳр булоғи».
15.55 «Баркамоллик сари».
16.00 «ДАБР».
16.10 «Даврини боласи».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 «Навий набиралари».

ДУШАНБА — 8 ФЕВРАЛ

16.40 2010 - Баркамол авлод йили: «Ешлар ва таълим».
16.55 «Тошкент илкомлари».
17.00 «Кора Ҳ» Б/ф.
18.30 «Қишлоқ тараққиёти».
18.50 «ЎЗ».
19.55 «Баркамол авлод».
19.30 «ДАБР».
20.00 «Севги стратегияси» /Т/с.
20.20 «Автопарулъ».
20.40 «Ҳюкоя».
21.00 «Телеуфод».
21.05 «Кайси қолдудансиз?» /Т/с.
Премьера
21.55 «Ўзбек адабиёти».
22.00 «ДАБР».
22.30 Миллий сериал: «Навий».
00.30 «Мужикъиза дунё».
01.00 «Орт тинчлиги».



7.25 Курсуватлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30 «Тая ва ики мушкетёр» /Б/ф.
9.40 Мульт озоналар.
9.50 «Эсмеральда» /Т/с 20-қисм.
10.20 «Астерикснинг катта жағли» /М/ф 6-қисм.
10.30 «Карвонсарой».
10.40 «Пиратские острова» /Т/с 11-қисм.
11.10 «Саргузаштлар ороли».
11.35 «Нозигиум» /Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!».
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Уйларим».
15.00 «Поитяхт».
15.15 «Эсмеральда» /Т/с 21 - қисм.
15.45 «Сув ости экспедицияси» /Х/ф 1-қисм.
16.35 «Карвонсарой».
16.45 «Билмасой ва Барабас» /М/ф 1-қисм.
17.35 «Хуқуқшунос маслаҳати».
17.40 «Тошкентда латифа».
17.50 «Уйларим».
18.00 «Поитяхт».
18.25 «Эпизақлар» /Т/с 15-қисм.
19.20 «Тошкентнинг илм мажлиси».
19.30 Миллий сериал: «Мухаббатим қисмати» /20-қисм.
20.00 «Поитяхт».
20.25 «Анчик ёлғон» /Т/с.
21.00 «Аёл қалби».
21.25 Мутом наволар.
21.30 «Поитяхт» /рус/.
21.50 «Будьте здоровы».
22.00 «Кино SMS со звадами».
22.10-23.40 «Ҳол зонтком» /Х/ф.



7.00 «Талқин».
7.30 «Бодлар утрос».
8.40 «Мелвлов» ++.
9.30 «Чемпионлик орузи» /Сериал.
10.00 Улоқ - кўлқари буйча «Олтин» /Водий» саврини.
10.20 Футбол. Евро - 2012. Куръа ташлаш маросими.
11.00 «ПроФИНГ».
12.00 - 13.40 Футбол. Чемпионат Англия. «Челси» - «Арсенал».
18.00 «Болалар майдончаси».
18.10 «Шоҳула».
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
18.55 Эркин кураш. Олтин Гран - при турнири.
19.35 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.


20.40 «Футбол шарҳи».
21.10 «Чемпионлик орузи».
Миллий сериал премьераси.
21.40 «Хабарлар» (узб. тил)
22.05 Интерфутбол.
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

БИРИНЧИ

04.00 08.05 «Доброе утро»
06.00,11.00,13.00,14.00,17.00,23.00
Новости
08.30 Малахов +
09.30 Модный приговор
10.25 Контрольная закупка
11.20 «Участок»
12.20 «Детективы»
13.25 Понять. Простить
14.15 Т/с «Обручальное кольцо»
15.05 «Далая поженимся!»
16.00 Федеральные судья
17.15 22.30 Т/с «Школа»
17.50 Т/с «Слеп»
18.35 «Жди меня»
19.20 Т/с «Спальный район»
20.00 «Время»
20.30 Т/с «Верное воскресенье»
21.30 «Мощенчики»
23.10 «Познер»
23.10 Гени и эпохеи

РОССИЯ 1

09.05 «Утро России»
09.05 Х/ф «Я подарю себе чудо»
11.00,14.00,17.00,20.00 Вести.
11.30,14.30,17.30 Вести-Москва.
11.50,14.50 Х/ф «Жена Сталина»
13.40,17.50 Дежурная часть.
16.30 «Кулаги и партнеры»
18.00 Т/с «Кармилитан»
19.00 Т/с «Слово женщине»
20.30 Местное время. Вести.
21.00 «Спокойной ночи, малыши!»
21.50 Т/с «Райские яблоки. Жизнь продолжается»
22.50 «Мой серебряный шар»
23.50 «Вестн+»
00.10 Х/ф «Человек, который молчал»




05.55 Т/с «Графиня де Монсоро»
07.00 «Сегодня утром»
08.30 «Кулиничский певинок»
09.30 ЧП. Обзор за неделю.
10.00,13.00,16.00,19.00,23.15 Сегодня.
10.20 «Средний класс»
11.00 Т/с «Мангуст-2»
12.00 Суд присяжных.
13.30 Т/с «Закон и порядок»
15.30 18.30 Обзор. ЧП.
16.30 Т/с «Возвращение Мухомара-2»
19.30 Т/с «Медвежий угол»
21.30 Т/с «Агент особого назначения»
23.35 Честный понедельник.
00.25 «Школа зловещих»
01.15 «Роковой день»


РОССИЯ К

07.00 «Еврочас»
10.00,15.30,19.30,23.30 Новости культуры
10.20 «Галерея Боргезе. В погоне за прекрасным»


11.00 Д/ф «Жизнь Давида Копперфильда, рассказанная им самим»
13.15 Линия жизни
14.05 «Мой Эрмитаж»
14.35 Спектакль «Сладкий сон мю»
15.35 «Пешка и другие...»
16.00 Мультфильмы
16.25 Х/ф «Магна Аюра» 5 с.
16.50 01.40 Д/с «Формы природы»
17.20,02.15 «Царская муза»
17.50 Д/ф «Николай Копперник»
18.00 Концерт симфонического оркестра России
18.50 Д/ф «Узбл. Город церквей и жуков»
19.05 «В главной роли...»
19.50 Д/с «Александр Великий»
20.40 Абсолютный слух.
21.20 Т/с «Очарование апа»
22.05 «Тем временем»
23.00 Д/ф «Подстрочник»
23.50 Д/ф «Подземная Земля»
00.20 Д/ф «Девять дней и вся жизнь»
00.50 Д/ф «Храм в Танджавуре»



08.00 Т/с «Дважды дома»
08.55 11.30 Мультсериалы
09.30,11.30,18.30,21.00 Т/с «Палины дочки»
10.30 Т/с «Вороны»
11.00,11.45,02.00 «Б кадров»
12.00,14.00,19.30 «Галилео»
13.00 Т/с «Моя прекрасная няня»
14.30 Т/с «Шаг за шагом»
17.30 Т/с «Сабрина — маленькая ведьма»
18.00 Т/с «Волшебники из Вайверли-Плейс»
20.30 Т/с «Девью молодежь!»
22.30 Т/с «Борисы»
23.00 Т/с «Маршала»
00.00 Х/ф «Обнаженное оружие»



08.00 Т/с «День рождения Буржуя»
09.00 Мультфильмы
11.00,19.00 Т/с «Удивительные странствия Гералка»
12.00,02.00 Т/с «Звездные врата. Атлантида»
13.00 Т/с «День рождения Буржуя»
14.00 Д/ф «Тайные знаки»
15.00 Д/ф «Затерянные миры»
16.00 Х/ф «Западня»
18.00,03.00 Т/с «На краю вселенной»
20.00 Т/с «Таинственные пути»
21.00 Т/с «Медум»
22.00 Д/ф «Тайные знаки»
23.00 Т/с «Охотники за чужими»
00.00 Х/ф «Наблюдатели 3»
Профилактика



06.00 «Необъяснимо, но факт»
07.00 «Такси»
07.35,11.30 Мультсериалы
08.30 Т/с «Друзья»
09.30,20.00 Т/с «Синер»
10.30,18.30 Т/с «Счастливый вестн»
13.30 Т/с «H2O. Просто добавь воды»
14.00 «Саша + Маша»
14.35 Х/ф «Убить Билла 2»
17.30 Т/с «Барышня»
19.30 Т/с «Женская лига»
20.10 Х/ф «Сосиска»
23.10 «Дом 2»
00.40 «Атака клоунов»
01.10 Т/с «Друзья»

ОЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Ихзор».
7.10 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
8.00 «Ахборот».
8.40 - 9.20 «Мавнавият» дастури.
«Болалар сайёраси».
9.20 «Бизнинг кутубхона»
9.30 Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси намойиш этакди:
«Мерос».
9.55 «Ота-ўғил». Б/ф. 1-қисм.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 Миллий сериал: «Хайт жонгалари».
11.45 «Ифтихор».
11.50 «Ахборот», /инглиз/.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
13.00 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Андерсен эртаклари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ойдин хайт». Ток-шоу.
15.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чашмалар».
15.20 «Ихзор».
15.25 «Назм ва наво».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Очун».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Худудлар хайти».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етказар».
17.55 «ТВ - бизнес хабарлари».
18.00 «Олтин мерос».
18.10 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
18.45 «Кун мавзуси».
18.55 «Буюк аждодларимиз».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот», /рус/.
20.05 Миллий сериал: «Хайт жонгалари».
20.40 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.35 «Ихзор».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Нафс балоси». Т/с.
22.45 «Иқлим».
22.55 «Үн завука: труба». Б/ф.
23.40-23.50 Тунги наволар. «Uzbekistan».
23.50 Кўрсатувлар дастури.
23.55 «Назм ва наво».
00.30 «Мен эшикман».
00.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон обсерваториялари».
1.00 «Ахборот», /рус/.
1.30 «Салом, ешлар!»
2.05 «Буюк аждодларимиз».
2.30 - 3.10 «Мавнавият» дастури.
3.10 «Ойдин хайт». Ток-шоу.
4.00 «Ахборот».
4.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
5.20 «Икки дарё оралиғида».
5.40 - 5.55 Тонги наволар.



Профилактика

14.55 Дастурин очилиши.
15.10 Навоий вилоят телерадиокомпанияси тақдим этакди:
«Баркамол авлод йили».
15.20 «Тасвир ва таассурот».
15.40 2010 - Баркамол авлод

йили: «Китоб - офтоб».
15.50 «Ўзбек адабиёти».
15.55 «Баркамоллик сари».
16.00 «Давр».
16.10 «Давринг боласи».
16.20 «Миллий мулфиларим».
16.40 «Навоий набралари».
16.50 «Болалар табассуми».
17.00 2010 - Баркамол авлод йили: «Мугола».
17.15 «Навоий хазиначи».
17.20 «Навбатчи».
17.30 «Қайси юлдуздансиз?» Т/с.
18.20 «Yoshlar FM».
18.50 «АЛЕХ».
18.55 «Телетуҳфа».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Севги стратегияси». Т/с.
20.20 «Ихдод мактаби».
21.00 «Ўзбек адабиёти».
21.05 «Қайси юлдуздансиз?» Т/с.
21.55 «Навоий хазиначи».
22.00 «ДАВР».
22.30 Миллий сериал: «Навоий».
00.40 «Мўжизавий дунё».
01.00 «Юрт тинчлиги».

OZHKENT

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент»
8.30 Мумтоз наволар.
8.35 «Эсмэралда». Т/с21-қисм.
9.05 «Астерксинг катта жанги».
М/ф 7-қисм. /Якуловчи/.
9.15 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.45 Миллий сериал: «Мухаббатим қисиматим». 20-қисм.
10.10 «Аёл қалби».
10.30 «Пойтахт», /рус/.
10.40 «Гиратские острова». Т/с 12-қисм.
11.05 «Будьте здоровы».
11.20 «Нақшлар жилоси». Т/ф.
11.30 «Тоғлар ва Суҳра». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент»
14.00 «Дунё» телестасути.
14.55 «Йўлларим».
15.00 «Пойтахт».
15.15 «Эсмэралда». Т/с 22-қисм.
15.45 «Сув ости экспедицияси». Х/ф 2-қисм.
18.35 «Карвонсарой».
18.45 «Билмасов ва Барабас».
М/ф 2-қисм.
17.15 «Истеъдод».
17.30 «Навоий ва мусиқа».
17.50 «Йўлларим».
18.00 «Пойтахт».
18.25 «Эгизаклар». Т/с 16-қисм.
19.20 «Химоя».
Cisco kompaniyasining elektron biznes uchun ishlanmalar b'linmasi bosh texnologiyasi Deyv Evans haqiqiy texnika ishikbozi, u har oy kul telefonini yangisiga almashirib turadi. Kuyinda siz uning axborot texnologiyalari kelaжaги хакидаги мулохазалари билан танишишингиз мумкин.

Эванснинг келажак ўйлари


Келажак деганда кўз ўнгимга янги технологиялар келади. Тўрт муҳим йўналиш: ҳисоблаш техникаси, маълумотларни сақлаш, тармоқ ва ахборот тизимлари геометрик прогрессия асосида ривожланмоқда. Масалан, маълумотларни сақлаш соҳасини олайлик. 1956 йили IBM 1 мегабайтлик қаттиқ дискни чиқарганда нархи 65 минг доллар эди. Ҳозир мен ёнимда олб юрадиган USB-флэшкага икки гигабайт маълумот сиғади. Агар 1956 йилги нархда ҳисобланса 130 миллион долларни ташкил этарди...

Энди бу анъанани келажак мисолида таҳлил қилиб кўрамиз. 2025 йилда бор-йўғи 100 долларга исталган дўкандан 6,3 петабайтлик хотира қурилмасини харид қилиш мумкин бўлади. 6,3 петабайт нима ўзи? Тасаввур қилинг-а, қўлингиздаги рақамли камера шунча хотирага эга ва унда саноат инқилоби бошланган 1700 йилдан то шу пайтгача бўлган барча жараёни суратга олиш мумкин. Шунда ҳам яна бир неча йилга етадиган бўш жой ортиб қолади.

Яна бир мисол. IBM компаниясининг ҳисоб-китобларига қараганда, 2010 йилдан жаҳондаги рақамли ахборот ҳар 11 соатда икки баравар кўпайиб боради. Шунчалик кўп маълумот тўплангани, фойдали ва кераклигини топиш, ажратиб олиш

ўйлари

CISCO SYSTEMS



анча мушкуллашади.

Инсон ва технологиялар ўзаро муносабати ҳам кескин ўзгаришларга учрайди. Биз "виртуал одамлар", автоматик ҳиссийет, имо-ишора ва ҳаракатларга тез-тез дуч келаверамиз.

Агарда инсон ва жамият тараққиётини олиб қарасак, у кўп жиҳатдан алоқа технологияларининг тараққиёти билан узвий боғлиқ. Алоқанинг ривожланиши ва ғоялар, маҳсулотлар, хизматлар алмашишининг янги усуллари пайдо бўлиши инсон тараққиётида муҳим рол ўйнайди. Фарбдан Шарққа ўтган сав-

до йўналиши бўладими, телефонда ахборот алмашиш ёки янги илмий кашфиётлар соҳасидаги ахборотни тарқатиш бўладими – буларнинг барчасида Тармоқ бирламчи, ҳал

қилувчи аҳамият касб этади.

Инсоният алоқа тармоқларисиз яшай олмайди. Уларни йўқотишдан келган зарарни худди электр энергиясини йўқотишга ўхшатса бўлади. Ҳозир жаҳон аҳолисининг учдан бирига яқини интернетдан фойдаланмоқда. Демакки, биз ҳали йўлнинг бошида турибмиз. Бир неча йил ўтиб миллиардлаб интернет фойдаланувчилари пайдо бўлади. Баъзи маълумотларга кўра, 2010 йилда интернетда ишлайётган RFID радиочастота ўлчашчилари сони 50 миллиардга, ҳисоблагич қурилмалар сони эса 10 миллиардга етади. "Ақлли чанг" (smart dust) деб ном олган микросенсорли тармоқлар ҳамма жойда оммалашади ва Forrester Research компаниясининг далолат беришича, ҳарорат, шамолнинг тезлиги, намлик ва ҳоказолар тўғрисидаги жорий маълумотларни аниқловчи "кенгайтирилган интернет" (Extended Internet) учун асос бўлади.

Кўпинча "ихтиро" ва "новаторлик" тушунчаларини адаштириб юборамиз. Новаторлик – бу янги ихтиро эмас, балки бизга маълум нарсанинг янги қирраларини очиш, такомиллаштириш дегани. Демак, келгусида тармоқдан, коммуникациядан фойдаланиш, гуруҳ бўлиб ишлашининг янги усуллари пайдо бўлади.

Азиз муштарийлар! Газетамизнинг шу сонидан эътиборан янги — XXI ASR TEXNOLOGIYALARI руқия остида кизикарли мақолаларни чоп этиб борамиз. Мавзу доирамиз чекланмаган — телекоммуникациялар, мобил алоқа, телевидение, радио, интернет, почта, хотира қурилмалари, ахборот хавфсизлиги ва бошқа соҳалардаги янги аср ютуқлари, умуман, келажак технологиялари, уларнинг инсоният учун аҳамиятли жиҳатлари диққат-марказимизда бўлади. Фикр-мулохазаларингиз битилган мактубларни кутамиз!

Интернет-2009 рақамларда

Бугунги жамият ва ҳар бир инсон ҳаётини интернетсиз тасаввур этиш мумкинми? Кимдир билим эгаллашда, муҳим масалаларга ойдинлик киритишда унга таянса, кимнингдир бизнес фаолияти тўлиқ ёки қисман унга асосланган, яна кимлар эса интернетни мулоқот ва бўш вақтни кўнгилли ўтказишининг энг қулай воситаси деб билади.

Хуллас, ким қандай ёндашишдан қатъи назар, 2009 йилда ҳам Глобал тармоқ фойдаланувчилар билан гавжум бўлди. Radicati Group ва McAfee компаниялари қўшма ҳисоботи интернетнинг биз билган ва билмаган айрим жиҳатларига ойдинлик киритади. Демак, танишинг: Интернет-2009 рақамлар ва фактларда:

- Электрон почта**
- 90 триллион — 2009 йили жўнатилган e-mailлар сони;
 - 247 миллиард — ўртача кунлик хатлар сони;
 - 1,4 миллиард — жаҳон бўйича электрон почтадан фойдаланувчилар сони;
 - 100 миллион — йил давомида пайдо бўлган янги электрон манзиллар;
 - 81 фоиз — e-mail трафиғидаги спам улуши;
 - 92 фоиз — спамнинг энг юқори чўққиси;
 - 24 фоиз — спамнинг йил давомидаги ўсиш кўрсаткичи.

- Вeb-сайтлар(Netcraft маълумоти)**
- 234 миллион — 2009 йил декабригача мавжуд сайтлар сони;
 - 47 миллион — ўтган йилнинг янги сайтлари сони.

- Вeb-серверлар(Netcraft маълумоти)**
- 13,9 фоиз — Apache базасидаги сайтлар сонинг ўсиш кўрсаткичи;

- 22,1 фоиз — IIS;
- 35 фоиз — Google GFE;
- 384,4 фоиз — nginx;
- 72,4 фоиз — lighttpd.

- Домен номлари (Verisign ва Webhosting.info маълумоти)**
- 81,8 миллион — .com худудидаги домен номлари сони;
 - 12,3 миллион — .net;
 - 7,8 миллион — .org;
 - 76,3 миллион — минтақавий худудлар (.de, .ru, .uz, ...);
 - 187 миллион — барча юқори даражали доменлардаги номлар сони (2009 йил, октябр);
 - 8 фоиз — домен номларининг ўсиш суръати.

- Интернетдан фойдаланувчилар (Internet World Stats маълумоти)**
- 1,73 миллиард — интернетдан фойдаланувчиларнинг умумий сони (2009 йил, сентябр);
 - 18 фоиз — йил давомидаги ўсиш;
 - 738,26 миллион — Осиё;
 - 418 миллион — Европа;
 - 252,9 миллион — Шимолий Америка;
 - 179 миллион — Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари;
 - 67,4 миллион — Африка;



- 57,42 миллион — Яқин Шарқ;
 - 20,97 миллион — Австралия ва Океания.
- Ижтимоий тармоқлар (BlogPulse, Pingdom, Twittercounter, Facebook ва GigaOm маълумотлари)**
- 126 миллион — интернетдаги блоглар сони;
 - 84 фоиз — ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар орасида хотин-қизларнинг улуши;
 - 27,3 миллион — Twitterда бир кунда қолдирилган хабарлар сони (2009 йил ноябр ойи кўрсаткичи);
 - 57 фоиз — Twitterнинг АҚШдаги фойдаланувчилари;
 - 4,4 миллион — шунча одам @aplusk (Холливуд актёри Эштон Катчернинг микроблоги, "твиттер"да энг кўп ўқувчисига эга)ни ўқийди.
 - 350 миллион — Facebookнинг рўйхатдан ўтган фойдаланувчилари сони.
- Тасвир (Flickr ва Facebook маълумоти)**
- 4 миллиард — 2009 йил октябр ойида Flickr сервисида пайдо бўлган фотосуратлар сони;
 - 2,5 миллиард — Facebookка ойнага шунча янги сурат joyлаштирилди.

Келажагимиз таянчлари

2010 йил Баркамол авлод йили деб эълон қилингани халқимиз, айниқса, ёшлар томонидан кизгин кутиб олинди. Зеро, ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш юрт ва миллат келажаги тўғрисида қайғурмоқ демакдир. Шу ўринда савол туғилади: баркамол авлод деганда нимани тушуном керак?

Авваламбор, ҳар томонлама етук, яъни ўткир мулоҳазали, мустақил фикрлай оладиган, билимли-маърифатли ва жисмонан соғлом, ақли расо авлодни тушуном керак. Баркамол авлод вакили бўлиш ўз ўрнида ҳам шарафли, ҳам масъулиятлидир. Масъулиятли томони шундаки, бу авлод ўз халқи тарихини чуқур билмоғи ва улуғ аجدодлардан қолган моддий ва маънавий меросни асраб-авайлаб, кўпайтирмоғи, ўз ахлоқ-одоби, юксак маънавияти билан бошқаларга ибрат бўлмоғи лозим.

Агар халқимиз тарихи ва ўтмишига чуқурроқ назар ташласак, буюк аждодлар давомчилари эканимизга амин бўламиз. Ал-Хоразмий, Ибн Сино ва Берунийдек қомусий олимлар, Имом Бухорий, Ат-Термизийдек илоҳиёт алломалари, Замахшарийдек буюк тилшунос, Форобийдек файласуф, Ал-Фарғоний ва Улугбекдек йирик фалакшунос, Амир Темурдек буюк давлат арбобини етиштирган халқ фарзанди эканлигимиздан қалбимиз гурур ва ифтихорга тўлади. Уларнинг илмий, маърифий мероси ва амалларини тўлиқ ўрганиш, чуқур англаш ва қадрига етиш ёшларимиз учун муҳимдир. Агар миллатимиз фахри бўлмиш Амир Те-

мур қолдирган моддий ва маънавий мерос билан чуқурроқ танишсак, улуғ бобокалонимиз юксак маънавиятли буюк шахс эканига амин бўламиз. Француз олими Жан Пол Ру бобокалонимиз ҳақида ўта холислик билан қуйидагиларни айтиб ўтади: “Амир Темурнинг ўз Ватанига, дўстларига садоқати, адолати, маданиятчилиги, саҳийлиги, камбағал ва заифларга меҳр-муруввати унинг муваффақиятлари омилли бўлган”.

Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизидан ортигини ёшлар ташкил этади. Эътибор қилиб қаралганда, жаҳонда ёшларга қайғурадиган миллатлар кўп, лекин ўзининг келажақ ворисларига бизчалик ғамхўрлик кўрсатиб, уларнинг келажагини таъминлашга юксак шарт-шароитлар яратиб бераётган давлатлар ер юзиде кам бўлса керак. Чунки, халқимизда ёшларга нисбатан ўзбекона муносабат устун туради. Бундай ғамхўрлик замирида эса миллий ўзлигимиз, гуруримиз, ёшларимизга бўлган чексиз ишонч ётади.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари томонидан қилинаётган ғамхўрлик, меҳрнинг қадрига етмоқлик ёшларимизнинг асосий вазифасидир. Улар ўз билимлари, шарқона ахлоқ-одоблари билан мамлакат тараққи-



ётига, мустақил республикамиз шўррати, обрўси жаҳоннинг бошқа давлатлари ўртасида кўтарилишига ўз хиссаларини қўшишлари лозимдир. Баркамол авлод тарбияси учун масъул ота-оналар ва устозларнинг вазифаси эса ёшларни билимли, соғлом ва миллий ғоямизга ёт зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура оладиган, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборатдир. Ана шундагина, улуғ аждодларимиз қолдирган буюк маънавий мерос, уларнинг ибратли ҳаёти улкан тарбия қудратига эга омил сифатида намоен бўлади, ёшларимизда Ватан тақдирига, юрт истиқболига дахлдорлик туйғуси янада камол топади.

Комилжон СУЛТОНОВ,
ТАТУ Қарши филиали “Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

МЕНДА ГОЯ БОР!

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси қалбимдаги чексиз орзуларимни янада жўш урдирди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти, саноат соҳаси, иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар ҳажми ошгани, аҳоли даромадлари 26,5 фоизга ўсгани бўлғуси иқтисодчи сифатида мени жуда қувонтиради. Ва бу ютуқлар юртимизда тўғри ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб борилаётганлигининг натижаси эканлигини ҳам яхши англайман.

Чиндан ҳам мамлакатимизда инқирозга қарши чораларга жиддий аҳамият берилди. Факултетимизда устозларимиз, жумладан, Константин Курпаяниди бизни вазиятни тўғри тушуниб, чора-тадбирларга оқилона ёндашиш, таҳлил этиб, ҳулосалар ясашга ўргатмоқда. Иқтисодиётда ислохотлар олиб бориш, инвестициялар жалб этиш, мавжуд макроиқтисодий вазиятни тушуниб, макроиқтисодий сиёсат сценарийсини ишлаб чиқиш йўллари ҳақида дастлабки билимларни олдик.

Бундан ташқари, статистик маълумотлар, турли мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ таҳлилий ҳужжатлар тайёрлашга ҳам кўника ҳосил қилдик. Бу эса статистик маълумотлар мониторинги, макроиқтисодий сиёсат ва усулларини танлаш, муаммонинг тағзаминига етиш имконини бермоқда. Ҳали жуда кўп ўқишимиз, изланишимиз, таҳлилий материалларнинг аъло даражадаги сифати, уларни умумлаштириб, тақдим эга олиш санъатини эгаллашимиз шарт.

Зотан, бозор иқтисодиёти — ривожланишнинг мураккаб жараёни, унга инқирозлар орқали эришилади. Ахир “кризис” сўзига диққат қилсак ҳам бу нарса аниқ намоен бўлади. Бу сўз хитой тилидан кирган бўлиб, иккита: “хавф-хагар” ва “имкониёт” сўзларидан ташкил топган. Қизик жиҳати шундаки, бу инқирозли давр иқтисодий тизимларнинг айрим “ортиқча юк” бўлиб турганларидан, самарасиз механизм ва функциялардан халос бўлиш давридир. Демак, биз бу ўзгаришдан иқтисодий жараёнларга мослашувчан мутахассис бўлиб етишимиз зарур. Қаерга ишга борсак ҳам “Менда гоё бор. Мана бундай қилсак, вазиятдан чиқиб кетамиз”, дейдиган мутахассис бўлишни ўз олдимга олий ният қилиб қўйдим. Бинобарин, шундагина эл-юрт, Президентимиз биздан рози бўлади. Менда гоё бор!

Наргиза АХРАМОВА,
Фарғона политехника институти иқтисодиёт факультети талабаси

BIZNING UNIVERSITET

Замон талабидаги замонавий даргоҳ

таълим тизимида сифат босқичи давом этмоқда. Бу даврда ҳар бир таълим муассасаси республика Олий таълим вазирлиги талабига кўра фанлар бўйича комплекс ўқув дастурига ва янги педагогик технологияларга эга бўлишлари лозим. Бу борада ТАТУ ушбу соҳага оид ҳар битта фан учун намунавий ўқув дастури ишлаб чиқишда асосий база саналади.

Бундан ташқари, университет ўқитувчилари машғулотларни сифатли ва фаол ташкил этишлари учун ўндан ортиқ, жумладан, “Тармоқлар”, “3x4”, “Ўқитувчи шахси”, “Иерархия”, “Бошқарув”, “Мулоқот” каби замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишади. Ўқитувчиларнинг машғулотларни талабалар билан яққа, кичик гуруҳ ва умумий аудитория доирасида ҳамкорликда ташкил этиши уларнинг дунёқарашини янада кенгайтириб, эркин ва мантқий фикрлашга ўргатмоқда.

Университет мутахассислари томонидан “Ўзбекистон ўқув ва илмий ташкилотлари орасида ахборот алмашиш ягона тармоғини яратиш Концепцияси” яратилди. Унга асосан республика илмий-тадқиқот ва билим

юртлари учун мультимедиа тармоқлари яратиш, улар асосида корпоратив алоқа тармоқлари туркумини ташкил этиш, уларни ягона электрон кутубхона марказига бириктириш вазифаси юклатилди. Университетда интернет тизимига уланган ахборот технологиялари бўлими, ўз серверига эга электрон кутубхона, чет тилларини ўрганишга мўлжалланган мультимедиа синфи ташкил этилди. Шунингдек, олийгоҳ бўлимлари ички локал алоқа тармоғи оптик толали кабел орқали шаҳар телефон станциясига уланган.

Бугунги кунда олийгоҳимиз таълим сифатини янада ошириш мақсадида бир қатор хорижий турдош таълим муассасалари, жумладан, Москва алоқа ва информатика университети, Санкт-Петербург давлат телекоммуникация университети, Корея Республикасининг Ёонгам университети, шунингдек, Миср, Малайзия, Хитой ва Ҳиндистондаги етакчи олийгоҳлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Гулмира РИЗОЕВА,
ТАТУ талабаси

Таълим ва тарбия тўғрисида Виктор Гюго шундай деган эди: “Тарбия – виждон иши, таълим эса, фаннинг вазифаси”. Кейинчалик эса вақт ўтгач, билимнинг бу икки тури бир-бирини тўлдириб, ёшларга бир вақтнинг ўзида ҳам таълим, ҳам тарбия берадиган муассасаларни вужудга келтирди.

Бугунги кунда республикамизда ана шундай минглаб муассасалар мавжуд бўлиб, улар орасида талабаларга ахборот-коммуникация тизими бўйича билим улашаётган Тошкент ахборот технологиялари университети фаолияти алоҳида аҳамиятлидир.

Бугунги кунда Нукус, Самарқанд, Фарғона, Қарши ва Урганч каби фаолият ҳудудига эга мазкур университет дастурий маҳсулотлар, алоқа тармоғи технологиялари, ҳаракатдаги радиоалоқа, электрон тижорат ва ахборот хавфсизлиги йўналишлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаш, илмий изланишлар олиб бориш, шунингдек, ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва уни ўқув жараёнига кенг татбиқ этишдек муҳим вазифаларни бажариб келмоқда.

“Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ, ҳозирги пайтда

САМАРҚАНД

БУХОРО

Телекомда семинар

Яқинда “Ўзбектелеком” АКнинг “Самарқанд Телеком” филиалида “Нонсловий секталар ва уларга қарши кураш” мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди. Самарқанд вилояти бош имом хатиби ноиб Тўлқин ҳожи Равшанов семинарда қатнашиб, маъруза қилди.

Инсон умрининг лаззати фарзанд дейдилар. Шундай экан, ҳар доим фарзандларимиз юриш туришидан, ўқиш ва ишларидан, қаерда, ким билан юрганлигидан хабардор бўлиб турмоғимиз даркор.

Президентимизнинг «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади», деган ибратли сўзларини ҳар доим ёдда сақлашимиз ва унга амал қилишимиз керак.

Семинарда филиал раҳбарияти, фаоллари ва ходимлари иштирок этдилар. Қизиқарли ва мунозара-баҳсларга бой бу семинар барчада яхши таассурот қолдирди.

Кутубхона ишларини автоматлаштириш дастури

Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказида KaDaTанинг 2-версиясини ўрганишга бағишланган ўқув семинари ўтказилди.

Ушбу амалий ўқув дарсларини Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказининг мутахассис-дастурчилари — Михаил Ларин ҳамда Сергей Анлар олиб боришди.

KaDaTa — кутубхона технологияларини автоматлаштиришга мўлжалланган дастурий таъминоти бўлиб, у исталган кутубхоналарга татбиқ этилиши ва қўлланилиши мумкин. Аудио-видео материаллар, компютер-файл дастурлар, нота ва картографик материалларни қайта ишлаш ва чиқариб бериш каби ишларни амалга оширади.

Вилоят ахборот-кутубхона марказининг кутубхоначи ходимлари 16та компютерда ўрнатилган «KaDaTa-v.2.0» версияси бўйича ўз билимларини ошириб, фойдаланувчиларга кутубхона фондидаги тарихий, диний, замонавий ва барча фанларга доир қўлланмалардан баҳраманд бўлишга яқиндан ёрдам берадилар.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
“Xabar”нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

НАВОИЙ

Фуқаро муҳофазаси — хавфсизлик кафолати

Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғида ўтказилган Фуқаро муҳофазаси махсус тактик ўқув машқи “Бошқарув органлари ва ФМ тузилмаларининг табиий ва техноген тусли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ва почта жўнатмаларида номалум кукунсимон модда аниқланганда раҳбарият ва ишчи-ходимларнинг ҳаракати” мавзусига бағишланди.



Навоий вилояти фуқаро муҳофазаси бошлиғи — вилоят ҳоқими ва “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиали директорининг 2010 йил Фуқаро муҳофазаси асосий тadbирлари иш режасига кўра, 2010 йил 28 январь куни Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғи раҳбарлари, объект тузилмалари, ишчи-ходимлари иштирокида ўтказилган ушбу тadbир соат 06.00да “Йиғин” сигнали билан бошланди.

- 1-босқич: Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғида фавқулодда вазиятлар юзага келиши мумкин бўлганда аҳоли ва ишчи-ходимларни муҳофаза қилиш тadbирларини амалга ошириш;
- 2-босқич: Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғида юзага келган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш.
- 3-босқич: Ўқув машғулотни якунлаш.

Машғулотта Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғи Фуқаро муҳофазаси объект тузилмалари, ишчи ва ходимлари, Навоий шаҳар ички ишлар бўлиmidан, Ўзбекистон Республикаси МХХ Навоий вилояти бошқармаси, Навоий шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлими, шаҳар марказий касалхонаси, Шаҳар давлат санитария эпидемиология назорати маркази ва шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасидан жами 72 нафар ишчи ходим ва 7та техника воситалари жалб этилди.

Машғулотлар уюшган ҳолда ўтказилиб, фуқаро муҳофазаси махсус тактик ўқув машқи якунида Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғида фуқаро муҳофазаси бошқарув органлари ва тузилмалари олдига қўйилган вазифаларни бажаришга тайёр деб баҳоланди.

Маруся ҲОСИЛОВА,
“Xabar”нинг Навоий вилоятидаги мухбири

Барча ташкилот ва муассасаларда бўлганидек, алоқа корхоналари ходимларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазалашда касаба уюшмаларининг ўз ўрни бор. Буни яхши тушунган Бухоро вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмиталарининг етакчилари ўзларининг кундалик ишларини давр талаблари даражасида ташкил этишга интиломдалар.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ходимлар ва ишчи-хизматчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, меҳнат қонунчилигида назарда тутилган ижтимоий кафолатларни жойларда тузиладиган жамоа келишувлари ва шартномалар орқали янада ривожлантириш ва такомиллаштиришни касаба уюшма етакчилари ўзларининг биринчи галдаги вазифаларидан бири сифатида англаб етганлар. Бу эса меҳнат аҳлини ижтимоий-иқтисодий муҳофазалашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Утган 2009 йил давомида “Бухоро Телеком” филиали, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Бухоро филиали, “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси, Ибн Сино номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, 5-Шаҳарлараро магистрал алоқа техника боғламаси ва бошқа бир қатор корхона ҳамда ташкилотлар ходимларидан 35 нафари мамлакатимизнинг “Турон”, “Чинобод”, “Ситоран Мохи Хоса”, “Ботаника”, “Қашқадарё соҳили”, “Иссиқ сув”, “Бўстон”, “Умид гулшани” сингари сийхатҳоҳларда бўлиб, ўз соғлиқларини тикладилар. Ана шу мақсадлар учун ажратилган 35та йўлланманинг баҳоисидан 60 фоизи — 6 миллион 372 минг сўми корхона ва ташкилотлар ҳисобидан қопланди.

Алоқа корхоналари ходимларининг дам олишини тўғри ташкил этиш ишдаги муваффақиятнинг асосий омилларидан бири эканлигини яхши тушунган цех ва бошланғич касаба уюшмаси қўмиталарининг расислари ушбу муҳим масалага ҳам алоҳида эътибор бериб келишяпти. Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ишчи-хизматчиларидан бир гуруҳи ўтган йили “Етти пир” зиёратгоҳи, Шофиркон тумани телекоммуникациялар боғламаси ҳамда почта алоқаси тармоғи ходимлари Самарқанддаги Ҳазрати Довуд қадимжолари бўйлаб саёҳатга бориб келишган бўлса, Вобкент тумани почта алоқаси тармоғи ходимлари диёримизнинг сўлим гўшаларидан бири — Шаҳрисабзга бориб-келиш имконига эга бўдилар.

“Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси маблағлари ҳисобидан ушбу корхона ишчи-хизматчилари ва ходимларидан 40 киши Ҳазрати Довуд қадимжоларини зиёрат этиб, мамнуният ҳосил қилдилар. Юртимизнинг сўлим гўшалари ва табаррук жойлари бўйлаб ташкил этилган саёҳатлар учун алоқа корхоналари ҳисобидан 2009 йил давомида 1 миллион 260 минг сўм, касаба уюшмалари ҳисобидан эса 2 миллион 170 минг сўм сарфланди.

Соҳа ходимлари вақти-вақти билан ўтказиб келинаётган турли спорт мусобақалари, спартакиадаларда ҳам фаол иштирок этиб, ўз куч ва маҳоратларини синаб кўрмоқдалар. 2009 йилнинг июн ойида ЎзААА ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг мини-футбол (футзал) бўйича кўчма соврини учун ўтказилган мусобақаларнинг вилоят босқичида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг Бухоро филиали, “Алоқабанк”нинг вилоят бўлими, Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси, ЎзАААнинг вилоят ҳудудий бошқармаси, 5-Шаҳарлараро магистрал алоқа техника боғламаси, радиотелевизион узатиш маркази ходимларидан жами 60 нафар киши қатнашиб, яхши натижаларга эришилдилар. “Алоқабанк” вилоят бўлими спортчилари мусобақа гўлиблари сифатида республика баҳсларида ўз кучларини синаб кўришди. Утган йилнинг декабр ойида вилоят касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг кубоги учун мини-футбол бўйича ўтказилган мусобақаларида ҳам “Алоқабанк” вилоят бўлими ходимлари бор имкониятларини ишга солиб, совринли ўринлардан бирини эгаллашга муваффақ бўлишди. Касаба уюшмаларининг тармоқлараро “Саломатлик” спартакиадаси эса “Бухоро Телеком” филиали ва шаҳар телекоммуникациялар боғламаси вакиллари-нинг фаол иштирокида ўтди.

Жойларда ходимлар ва ишчи-хизматчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун тегишли имкониятлар яратилганлигини “Бухоро Телеком” филиалида ўрнатилган тренажёрлардан, шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари ҳамда почта алоқаси тармоқларидаги стол тенниси, шахмат-шашка, балминтон, футбол, волейбол тўпларидан унумли фойдаланилаётганлигидан ҳам билиб олиш қийин эмас.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинган 2009 йилда бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари саёй-ҳаракати билан қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи Бухоро шаҳар ТБ электромонтёри Н.Шокиров ва 5-Шаҳарлараро алоқа техника боғламаси электромонтёри Э.Раимовларга хонадонларини таъмирлаш учун тегишли моддий ёрдам кўрсатилганлиги, йил давомида эса вилоят алоқа ходимларининг эҳтиёжман қатламларига моддий ёрдам берилганлиги ҳам эътиборга сазовор.

Асқар ИСТАМОВ,
“Xabar”нинг Бухоро вилоятидаги мухбири



Алишер Навоий. Рубоий

Ғар ошиқ эсанг зебу тақалдуфни унут.
Яхшию ёмон ишга тақалдуфни унут.
Утган ғар эрур ёмон таассуфни унут.
Келган ғар эрур яхши тасарруфни унут.

MOBIL ALOQA KOMPANIYALARIDA

«МТС-Ўзбекистон»дан
«GPRS-пакетлар»

Мобил интернетдан кўп фойдаланувчилар учун «МТС-Ўзбекистон» компанияси янгиланган «GPRS-пакетлар»ни тақдим этди. Улар янги «Интернет 500» ва «Интернет 1000» тақлифлари билан тўлдирилди. «GPRS-пакетлар» сони бештага етди, бу эса мобил интернетдан кўп фойдаланувчиларга ўз эҳтиёжларига қараб, қулайроқ ва кенгроқ танлаш имкониятини беради.

Янги GPRS-пакетларни ишга тушириш билан бирга, компания мавжуд бўлган интернет пакетлар нархларини ҳам арзонлаштирди.

GPRS-Интернет пакетлар	GPRS-Интернет пакетларга киритилган трафик миқдори	Пакет нархи
«Интернет 25»	25 Мб	\$2,5
«Интернет 50»	50 Мб	\$4,5
«Интернет 100»	100 Мб	\$7,0
«Интернет 500»	500 Мб	\$30
«Интернет 1000»	1000 Мб	\$50

— Абонентларимизнинг мобил телефон орқали интернетдан фойдаланиш талаблари тобора ортиб бормоқда, шу сабабли биз уларнинг интернет ресурсларидан яна ҳам қулайроқ фойдаланишлари учун яхшироқ имкониятларни яратмоқдамиз. Келгусида интернет хизматларининг оммалашиб боришига ва қулай мобил интернет, қўшимча хизматлар бозорига ўз ўрнини мустақкам эгаллашига ишончим комил, — дейди «МТС-Ўзбекистон» компанияси тижорат ишлари бўйича бош директор ўринбосари Нуриддин Шодмонов.

Битта рақамга бир вақтнинг ўзиде 2га «GPRS-пакет»ни улаб олиш мумкин. Ҳар бир пакетнинг амалда бўлиш муддати фаоллаштирилган кундан бошлаб 30 кун.

Пакет нархи уни фаоллаштиришда олинади.

MMS/WAP/GPRS хизматларидан фойдаланиш учун мобил телефонни сошлаш керак. «Созлаб олинг» хизматининг бепул 0876 рақамига кўнгироқ қилиб, автоматик сошлашларни олиш мумкин.

«25» тарифи
Намангандан бошланди

«Билайн» Наманган вилояти ҳудудида янги «25» тариф режасини ишга туширди.

Янгиликнинг асосий устунлиги — ҳудуд ичидаги барча локал чиқувчи кўнгироқлар жуда-ям арзон нархда: дақиқаси учун 25 сўм. Бунда барча кирувчи кўнгироқлар бепул ва ҳеч қандай абонент тўлови йўқ!

Мазкур тариф режаси фақатгина Наманган вилояти абонентлари учун амалда. Улар «25» тарифига ўтишлари учун қисқа *110*25# (чақирув) кодани терсалар кифоя.

Сирдарё аҳолиси учун
хам дақиқаси 25 сўм

Шунингдек, «Сирдарё» тариф режаси ишга туширилди. Янги тариф режаси Сирдарё вилояти ҳудудида амал қилади.

Тариф параметрлари бир вақтнинг ўзиде Наманган вилоятида бошланган «25» тарифига тўла мос келади. Ўзбекистон бўйлаб чиқувчи кўнгироқларнинг нархи арзон эканлиги, бир дақиқа учун атиги 25 сўм этиб белгилангани тақлифнинг бош афзаллигидир. Абонент тўлови ва барча кирувчи кўнгироқлар бепул.

Ушбу тариф режаси Сирдарё вилояти абонентлари учун амал қилади. «Сирдарё» тариф режасига ўтиш учун *110*25# (чақирув) қисқа кодани териш кифоя.

ФАҚАТ
Наманган вилояти
аҳолиси учун!

25
сўм/дақ.

Ўзбекистон бўйлаб
БАРЧА ЧИҚИШ Кўнгироқлари
«25» тарифида

* Барча хизмат кўнгироқлари - 0
* Абонент тўлови - 0

Агар инсон танлаган соҳасига меҳр қўйса иши баракали бўлиши, унга ҳурмат-эҳтиром ва обрў-эътибор келтириши шубҳасиз. Бундай шарафга эришиш инсондан касб кийинчиликларига бардош бериш, чуқур билим ва сабр-матонат талаб этади, албатта.

Эъзоз

Ана шундай касбини удуғлаб келаётган фидойи алоқачилардан бири Музаффаржон Вагиповдир. У 1967 йили Тошкент электротехника алоқа институтининг электралоқа факултетига ўқишга кирди. Орала ҳарбий хизматни ўтади. Сўнгра Кўқон алоқа корхонасида электромеханик вазифасида ишлаб, 1973 йили ўқишини сиртдан тамомлади. Шу йилдан бошлаб иш фаолиятини Кўқон эксплуатация техника алоқа боғламасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси мутахассиси вазифасида давом эттирди. У ўзининг 43 йиллик меҳнат фаолияти даво-

мида шаҳар тармоғида муҳандис, бошлиқ, цех бошлиғи, 4-АТС бошлиғи ва ҳозирги кунда «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали 2-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламасида 1-тоифали муҳандис вазифасида сидқидилдан ишлаб келмоқда. Ўтган йиллар давомида дастлабки аналогли алоқа ускуналаридан торттиб то ҳозирги рақамли алоқа тизимларини ишга туширишда, унга хизмат кўрсатишда жонбозлик кўрсатиб келди. Ҳозирги кунда кўплаб шоғирдлари Фарғона вилояти телекоммуникация соҳасининг турли жабҳаларида раҳбар ва

етақчи мутахассис вазифаларида меҳнат қилишди. Устозни фақат Кўқон ҳудудида эмас, балки вилоятда ҳам алоқа ходимлари яхши билишди ва эъзозлашди.

«От изини той босали» деганларидек, унинг фарзанди Авазжон ҳам ота касбига меҳр қўйганлардан. Ҳозирда у шу корхонада антенна-матчачи вазифасида ишлаб келмоқда. Ўз касбининг фидойиси Музаффаржон ака уч фарзанднинг меҳрибон отаси ва 15 набиранинг севики бобосидир.

Биз, 2-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси ишчи-ходимлари ҳамкасбимиз Музаффаржон Вагиповни 60 ёши билан муборакбод этамиз. Илоҳим, ҳар доим шундай эҳтиромлар ҳамроҳингиз бўлсин!

Мақсуджон
ХУЖАМБЕРДИЕВ,
2-ШИМАТЬ ММҚ ва
ТХ муҳандиси

BILASIZMI?

ПИЁДА ЮЗ МИНГ
КИЛОМЕТР

- Инсон мияси кунига дунёдаги барча телефонлардан ҳам кўп электр импульслар ишлаб чиқаради.
- Инсон организми таркибиде атиги тўртта минерал мавжуд: апатит, арагонит, калцит ва кристобалит.
- Одамнинг ҳар бир бармоғи умри давомида тахминан 25 миллион марта букилади.
- Инсон ДНКси 80000 гендан ташкил топган.
- Юз ёшгача яшаган ҳар беш кишининг тўрттаси аёллардир.
- Дунёда ошхона буюмлари ичида ишлайтилиши жиҳатидан оқатланиш чўплари иккинчи ўринда туради.
- АҚШда ҳар бир одамга ўртача иккита кредит карточкаси ва иккитадан радиопремник тўғри келади.
- Бир одам умри давомида ўртача 100000 километр пиёда юради.
- Японлар кунига телевизор қаршичиде исталган бошқа миллат вақилига нисбатан кўп — 9 соат ўтиради.

Табриклаймиз!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси Косон ПАТ бош ҳисобчиси Ҳалима НУФТИЛЛАЕВани кутлауғ 60 ёши билан салимий табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.

«Қорақалпоқ Телеком» филиали жамоаси филиалнинг Нукус шаҳар телекоммуникациялар боғламаси кабел пайвандловчиси Баатабай СЕЙТҚАДРОВни, 223-АТС техниги Венера САЙМБЕТОВАни 50 ёши қарши олишлари муносабати билан табриклайди. Уларга узоқ умр, фарзандлар бахту ихбалини кўришликни тилайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Кўқон, Бағдод, Фурқат почта алоқаси тармоқлари ходимлари Муроджон ПУЛАТОВ, Зиёратхон УСМОНОВА, Лукмонжон МАМАДАЛИЕВ ҳамда Эътиборхон ШЕРАЛИЕВларни 50 ёшга тўлишлари муносабати билан чин дилдан табриклайди. Уларга мустақкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўришликни тилайди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси ҳудудий бошқарма бош мутахассиси Ражаб АБДИРИМОВни ҳамда «Хоразм Телеком» филиали электралоқа бўлими бошлиғи Абдирим АБДИРАҲМОНОВни таваллуд кунини билан салимий табриклайди. Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ишларида муваффақиятлар тилайди.

Хушёр
бўлайлик!

Маълумки, жамият учун ҳам, шахс учун ҳам хавфсизликни таъминлаш юқори ўринда туради. Айниқса, ёнгиндан сақлаш чораларини кўриш ҳамisha, ҳар жойда катта масъулиятни талаб этади. «Сув балосидан, ўт балосидан асрагин», деган нақл бежиз айтилмаган. Чунки эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб туфайли чиққан ёнгин оқибатида асбоб-ускуналар, ўқув куруллари ёхуд бошқа моддий бойликлар ёниб, кулга айланиши мумкин. Ёнг ачинарлиси, оловнинг фалокати боис инсонлар ҳам завол топиши мумкин.

Ёнгинларнинг аксарияти фуқаролар турар-жойларида юз бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, газли иситиш ва электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, масъулиятсизлик, қаровсизлик, бефарқлик, умуман, ёнгин хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя қилмаслик, уларни кўр-кўрона бузиш оқибатида ёнгин чиқиш ҳоллари кўплаб учрамоқда.

Шу боис доимо хушёр бўлиб, уйда, ишхонада, жамоат жойларида ёнгин хавфсизлиги ҳақида ўйлайлик, фалокатнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик.

З. МУРАМЕТОВ,
ЁХБ 12-ҲЕХО 12-ҲЕХ
алоҳида пост смена
бошлиғи, капитан

Анъанавий халқаро турнир

КУРАШ

Грециянинг Салоники шаҳрида дунёнинг ўттиз мамлакатидан келган юз нафардан зиёд сара полвонлар иштирокида ўтказилган кураш бўйича VI халқаро Ислом Каримов анъанавий турнири муваффақиятли якунланди.

Олимпия ўйинлари ватани — Грецияда бўлиб ўтган ушбу анъанавий турнирда таниқли полвонлар уч вазн тоифасида гиламга чиқди.

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган жаҳон чемпиони Шароф Холмаматов тўқсон килограммгача бўлган вазн тоифасида барча рақибларини енгиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи беллашувда мезбон курашчи — Моисис Илиадисни мағлуб этган ўзбек полвони олтин медал билан тақдирланди. Ушбу вазнда беллашган яна бир ёш полвонимиз — Азиз Темиров туркиялик Турсак Шахин билан бирга шоҳсупанинг учинчи

поғонасини эгаллади.

Вазни етмиш уч килограммгача бўлган курашчиларнинг финал беллашувида грециялик Алексей Танасидис Туркиядан келган Танжу Сорлини енгиб, биринчи ўринни эгаллади.

Халқаро турнирнинг энг кескин ва муросасиз учрашувлари мутлақ вазн тоифасида бўлди. Финалда грециялик Василиос Илиадис ўз ҳамюрти Дионисис Илиадисни мағлубиятга учратди.

БОКС

Профессионалларимиз галабаси

АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида ташкил этилган бокс кечасида ҳамюртимиз Гайрат Аҳмедов мезбон боксчи Харели



Килфан билан куч синашди. Олти раундлик жангнинг дастлабки дақиқасида рақибга кучли зарба бериб, нокаутга учратган ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси ўн учинчи галабасини нишонлади. Яна бир боксчимиз Равшан Худойназаров эса кениялик Садрак Кипрутони учинчи раунддаёқ мағлубиятга учратиб, кетма-кет ўнинчи галабасига эришди.

Медаллар шодаси

Бишкек шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон ва Туркменистондан келган яқин юз нафарга яқин чарм қўлқоп устаси рингга чиқди.

Юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта олтин, иккитадан кумуш ва бронза, жами еттига медални қўлга киритди. Мирзоҳид Абдуллаев, Азамат Эргашев ва Шухрат Абдуллаевлар мусобақанинг олтин медалларига эга чиқишган бўлса, Жалол Асқаров ва Шаҳриёр Исоқов кумуш, Бунёдбек Машарипов ва Камолитдин Аҳмедов бронза медалга сазовор бўлди.

КИКБОКСИНГ

Дилшод Содиқов — чемпион!

Россиянинг Новосибирск шаҳрида ўтказилган очик мусобақада мезбонлардан ташқари Ўзбекистон ва Қозоғистондан келган жами юз нафарга яқин спортчи рингга чиқди. Ҳамюртимиз Дилшод Содиқов ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгиб, олтин медалга сазовор бўлди. Шерзод Сулаймонов кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Нуриддин Нуриддинов ҳамда Соибжон Мелиев шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Утганларнинг охираги обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси жамоалари филиалнинг Балиқчи тумани почта алоқаси тармоғи бошлиғи **Раънохон АБДУРАҲМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали жамоаси Гаазкент почта алоқаси тармоғи бошлиғи вазифасини бажарувчиси Тўлқин Хушбоқовага онаси **Обод ДОНАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

ФИФА рейтинг: Ўзбекистон бир ўрин юқорилади

ФУТБОЛ

ФИФА феврал ойи учун миллий терма жамоаларнинг янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўтган ойга нисбатан бир ўрин юқорилаб, 75-ўринни эгаллаб турибди.

Умумий рейтингда ҳамон Испания пешқадам, Бразилия иккинчи, Голландия учинчи ўринда.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё миқёсида еттинчи ўринни, МДХ миқёсида Россия (13), Украина (24), Латвия (49)дан кейин тўртинчи ўринни эгаллаб турибди.

«Пахтакор» — «Лацио» — 0:3

Италияда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Коппа Карневале» турнирининг биринчи турида мамлакатимиз номидан қатнашаётган «Пахтакор» жамоаси ёшлари маҳаллий «Лацио» ёшларига йирик — 0:3 ҳисобида имкониятни бой беришди. «Пахтакор» ёшлари иккинчи учрашувларини Белгиянинг «Андерлехт» клуби ёшларига қарши ўтказишди.

ОЧЛ тўпининг дизайни ўзгарди

Осиё чемпионлар лигаси ўйинларида «Nike» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган тўплардан фойдаланилади.

ОФКнинг «Nike» билан йўлга қўйган ҳамкорлиги натижасида тўпнинг янгича дизайни ишлаб чиқилиб, лигада қатнашадиган жамоаларга юборилди.



Жаҳон спорти

Келгуси ҳафтада Канаданинг Ванкувер шаҳри Қишки Олимпия ўйинларини қабул қилади. Ушбу шаҳарда январ ойининг иссиқ келиши қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ташкилотчилар вертолётлар ёрдамида мусобақа ўтказиладиган жойларга қор ташишни бошлаб юборишди.

Африка миллатлар кубоғи-2010 баҳслари ўз низоисига етди. Қарийб бир ой давомида қитъанинг энг кучли 15 терма жамоаси кураш олиб борган йирик мусобақада Миср вакиллари голиб чиқишди. Финал баҳсида Гана дарвозасига ягона гол 85-дақиқада Гедо томонидан киритилди ва Миср 2010 йилги Африка қитъаси голиби!

Ярим ўрта вазнда жаҳон чемпиони Мэнни Пақяо Америка журналистлари уюшмаси томонидан 2009 йилнинг энг яхши боксчиси деб топилди. Шунингдек, Пақяо ўн йилликнинг энг яхши боксчиси номига ҳам сазовор бўлди.

Алишер Навоий

Эвавоши давоиси

Ўзбек адабиётининг қуёши, адабий тилимизнинг асосчиси, Шарқ мумтоз шеърятининг гулжоси, буюк мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Мир Алишер Навоий таваллудига 569 йил тўлади.

Шуни қувонч билан айтиш жоизки, Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижоди фақат ўзбек адабиётидагина эмас, балки жаҳон адабиётида ҳам салмоқли ўринга эга. Навоий лирик, эпик ва фалсафий асарлари билан XV аср адабиётида чуқур из қолдирди. Улуғ шоирнинг асарлари ҳаётлик давридаёқ Хитойдан тортиб Кичик Осиёгача етиб борди ва ҳозирда бутун дунё халқлари ҳам севиб ўқишмоқда.

“Хамса” дostonи Навоий ижодининг дурдонаси саналади. Яна унинг “Тарихи мулуки Ажам”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Рисолаи муаммо”, “Мажолис ун-нафоис”, “Муншаот”, “Мезон ул-авзон”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Насоим ул-муҳаббат”, “Девони Фоний”, “Лисон ут-тайр”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Назм ул-жавоҳир”, “Тарихи анбиё ва ҳуқома”, “Сирож ул-муслимин”, “Арбаин” каби бебаҳо асарлари мавжуд.

Навоий ижодига назар ташласангиз, шеърятнинг 16 хил жанрида ижод қилганлигини илғаб оласиз: ғазал, рубоий, туюқ, фард, қитъа, мухаммас, мусал-

дас, мусаллам ва ҳоказо. Бу каби жанрларда ҳеч бир шоир Навоийдек ижод қилганлигини учрата олмайсиз.

Улуғ бобомиз шеър ёзишда фақатгина ўзбек тили имкониятлари билан чегараланиб қолмаган, бошқа тиллардан ҳам унумли фойдаланган. Уткир Ҳошимов бу борала куйидагиларни қайд этади:

“Олимлар ҳисоблаб чиқишган. Пушкин ўз асарларида 21 минг 197та бетақорор сўз ишлатган, Шекспир салкам 20 мингта, Сервантес 18 мингтага яқин. Алишер Навоий эса 1 миллион 378 минг 660та бетақорор сўз ишлатган. Босиси, буюк бобомиз фақат туркий эмас, форсий, арабий, урду, хитой, мўғул ва бошқа тиллардаги сўзлардан ҳам маҳорат билан фойдаланган”.

Далиллардан кўриниб турибдики, Навоийнинг сўз захираси ниҳоятда улкан экан.

Ҳазрат ишлатган сўз уйинлари кўлами ҳам беқиёсдир. Негаки, Навоий шеърни шунчаки бирор нарсани баён қилиш эмас, балки мўъжиза кўрсатиш дея ҳисоблайди. Ул зог ёзади-ки: *Бўамаса эъжоз мақомида назм, Бўамаса эди Тенгри каломида назм.*

Навоий ўз асарларида ва Хурсоннинг вазири аъзами сифатидаги фаолиятида инсонни ана шундай тушунишни, қадрлашни, ҳимоя этишни ва савоб ишларга даъват қилишни муқаддас вази-

фа деб билди.

Инсонни тавсифлашда Навоий бирёқлама муболагага йўл қўймайди, у одамнинг ожиз томонлари борлигини ҳам тан олади. Аммо, агар инсон ўз фазилатларини ҳимоя қила ва сақлай олса, унинг ҳаёт учун қурашида фазилатлари устун чиқишига чуқур ишонч изҳор этади:

Бордир инсон зотида очча шараф, — Ким, ямон аслоқин этса бартараф.

Навоий нафақат шоир, таржимон, тилшунос олим, балки давлат арбоби сифатида ҳам тарихда катта из қолдирган. Ана шунинг учун ҳам унинг кўп рубоийлари, ғазаллари, дostonлари халқни қай йўсинда бахтли-саодатли қилмоқ мумкин, саволига жавоб тариқасида ёзилгандир. Алишер Навоий дунёни тушуниб ўтди. Шу боис, алғов-далғов замонларда ботининг хотиржам яшади. Зотан, Нозим Ҳикмат таъбири билан айтганда, “тушунмак — буюк хотиржамлик”, деганидир.

Ўзбек халқининг учта бахти бор. Биринчи бахти мустақиллик, иккинчи бахти ер ости ва ер усти бойликлари бўлса, учинчи бахти Навоийдир. Илоё доимо шундай бўлиб қолсин.

Икромбек ХОЛМУРОДОВ,
К.Убайдуллаев номидаги Республика педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси



Эвавоши давоиси


*Халқларин ўғирлайди булбул навоси,
Димоғимга урилгандек Ҳирот ҳавоси,
Шеърятнинг булоғидир дардлар давоси,
Мир Алишер шеърларини тинглаганимда.*

*Лайлилару Ширинларнинг гўзаллиги бор,
Фарҳодлари, Мажнунлари ҳамиша бедор,
Ҳисравлари, Жобирлари экан кўп беор,
Мир Алишер дostonларин тинглаганимда.*

*Юрагимнинг туб-тубидан отилади оҳ,
Кўзларимдан дув-дув оқар ёшларим ногоҳ,
Тингламасдан туриб кетмоқ оғир бир гуноҳ,
Мир Алишер ғазалларин тинглаганимда.*

Миржон ҲАЙИТОВ,
Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғамаси етакчи муҳандиси

Суперкроссворд



Тузувчи: С.ТЕМИРОВ

ЭНИГА:

1. Япониянинг биринчи пойтахти. 5. Юқумли касаллик кўзгатувчиси. 9. "... хандон, хона гирён" (мақол). 13. Хабаровск ўлкасида яшовчи миллият номи. 14. Арабча олд қўшимча. 15. Математикада айлана узунлигининг диаметри узунлигига нисбатидан иборат соғни инфодолговчи харф. 16. Осон эмас. 18. Лаҳза. 19. Уюр. 21. Қора денгиз бўйидаги шаҳар. 23. Жўналиш келишиги қўшимчаси. 24. Ном. 26. Латвия миллий валютаси. 28. "...нг мироббоши бўлгунча, еринг кулоқ бошида бўлсин" (мақол). 29. Меконг дарёсидаги шаршара. 30. Белгиядаги шаҳар. 32. Россия "Тико"си. 33. Тоғ ўсимлиги. 34. Помидор. 35. Суз туркуми. 36. Юқори, асл. 38. Кўл (қадимда). 39. Белаво касаллик. 42. 1,3,5,7,9 — ... сонлар. 47. Япон телекоммуникация компанияси. 48. Грузиядаги дарё. 49. Француз қиролларига тож кийдириш маросими ўтказилган шаҳар. 50. Крит оролидаги тоғ. 54. "... қолдирма, гул қолдир" (мақол). 56. Кескин, кучли урилли. 59. Қароргоҳ, қаср. 61. Ичимлик. 62. Мева. 63. Фарбий Европада феодал дворян мансаби. 64. Кемалар жамланмаси. 66. Уст (антоним). 67. 1904-1984 йилларда яшган испан rassоми. 70. Автоматик рақам аниқлагич. 71. Инглизчаси "zero", бизда ... 73. Римликлар уни Плутон деб аташган. 75. Нашвати. 76. Ўн беши қоронгу, ўн беши ёруғ. 77. Шарқий Африкада яшовчи халқ. 79. Арабистон яриморлидаги мамлакат. 81. Суз қўшимчаси. 82. Тил. 84. Миллилитр. 85. Қозғонистон ва Қирғизистонда шу номда волий, дашт, дарё ва шаҳар бор. 86. Ташқи (адабий фалсафа). 88. Урмаловчи жонивор. 89. Электр токи куч бирлиги. 90. Тонг.

БЎЙИГА:

1. Лотарингия герцогларининг собиқ қароргоҳи (Франция). 2. Корейча ном. 3. Эрондаги шаҳар. 4. От-улов анжоми. 5. Ф.Фуломнинг машҳур шеъри. 6. Балхаш кўлига қуйилувчи дарё. 7. Косметик восита. 8. Музлаттич русуми. 9. Чайла. 10. Чуқур, чоҳ. 11. Қўшимча (грамматика). 12. Эчки тури. 13. Татарча исм. 17. Фарбий Африкада мамлакат. 20. Қотирма ном. 22. Маржон орол. 25. Қаттиқ. 27. "Маутли" асаридаги бўрилар тўласи сардори. 29. Жиноятчиларга тақдирланган "билагузук". 31. Ўрин. 33. Жарлик. 36. Хоразмнинг ўрта асрлардаги қумқори. 37. Мусиқий нота. 40. Сувсиз, баҳосиз — ...сув, ...баҳо. 41. Флорида (АҚШ)даги шаҳарча. 43. Шотландиядаги дарё. 44. Жанубий Америка тоғлари. 45. Соч қўриттич. 46. Тожиклар Панж дейишади, биз эса ...дарё. 51. Ўрин-пайт келишиги қўшимчаси. 52. Кимёвий унсур. 53. Спартак кўзғолонини бостирган қўмондон. 54. Артур ... Дойл — ёзувчи. 55. Учинчи шахс (мумтоз адабиёт). 57. Ахборот тизимларида ахборотни инфодалашнинг энг кичик бирлиги. 58. Геометрик шакл. 60. Хитой ғарбдаги дарё. 61. Яширин шартли белги. 64. Файратли, ишчан. 65. "Узукка кўз қўйгандек". 68. Улик тил. 69. Инсониятнинг биринчи самовий қаҳрамони. 71. Ёзувчи Жюль Верн туғилган шаҳар. 72. Жанубий Америка туяси. 73. Узоқ Шарқдаги дарё. 74. Медиклар ўлчови. 77. Илон. 78. "... кўп-у, умр оз, керагин ол-у, тошга ёз" (мақол). 79. "Пахтакор" футболчиси. 80. "Қизи борнинг ...и бор". 83. Кўп мақсадли, юқори манёврли қирувчи самолёт. 87. Таъкидни кучайтиришга хизмат қилувчи суз.